

27 ИЮНЬ — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари күни

ДЕЗИНФЕКЦИЯ ИШЛАРИ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

◀ 3 ▶

5 ▶

ШОҲСУПАДАГИ КЎТАРИЛИШ
ЁХУД НАВБАТ 1-ҮРИНГА!

WWW.MV-VATANPARVAR.UZ

@ VATAN@EVO.UZ

VATAN — MUQADDAS, UNI HIMoya QILISH SHARAFLI BURCHDIR!

VATANPARVAR



Сайтимизага ўтиш
учун QR-кодини
сканер килинг.

2020 йил 26 июнь, № 26 (2881)



«АрМИ - 2020»га тайёргарлик
жараёни қизғин кечмоқда

4-бетда



ЛАҲЗАЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

Сирдарёликлар ғалла ҳосили режасини бажарди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати билдиришича, вилоятнинг дон сотиши шартномавий режаси 177,8 минг тоннани ташкил этиб, амалда 100,2 фоизга бажариди.

Жорий йилда сирдарёлик дехқонлар ялли дон ишлаб чиқаришни 595 минг тоннага етказиш ёки ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил йиғишириб олишини мўлжаллашмоқда.

Ўзбекистон ўрик етишириш бўйича жаҳон етакчиларидан бирига айланмоқда. Халқаро рейтингларга кўра, Ўзбекистон 2001 йилдан жаҳоннинг кучли ўнталигига, 2004 – 2007 йиллар ораглигида 300 000 тонна ўрик етиширган холда кучли учликлардан жой олган. 2014 йилга келиб, Ўзбекистон ўрик етишириш бўйича жаҳон етакчисига айланган ва ҳозирги кунгача Туркия билан бу борада ракобатлашиб келмоқда.

Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 1 июнь ҳолатига кўра, экспорт қилинган ўрик маҳсулоти бўйича мәълумотида жами 11,2 минг тонна 10,9 миллион АҚШ долларига тенг бўйлан ўрик меваси 9 та хорижий мамлакатлар бозоридан жой олган.

Ёлқин Тўйчиевнинг «Фариданинг иккى минг кўшиғи» фильмни Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган Пусан халқаро кинофестивалида иштирок этиш учун таклиф олди.

Осёённинг энг йирик халқаро фестивалларидан саналган маданий тадбир 2020 йил 12 – 21 октябрь кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

7-бетда



ЖАНГГОҲДАГИ
БУЛБУЛ НАВОСИ

Мудофаа вазирлиги тизимиға оид сўнгги янгиликлар
билин қўйидаги манзиллар орқали танишинг:



t.me/mv_vatanparvar_uz
t.me/mudofaa_press



facebook.com/UzArmiya



instagram.com/uzbekistanarmy

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

O'ZBEKISTON

HAFTA ICHIDA

6

ТУБАНИК БОТҒОФИ
ЁХУД БОРСА КЕЛМАС ЙЎЛ

13

ТУПРОҚДАЙ ХОКИСОР
КУЛОЛ ҚИЗ

15

АЖРАШИШГА
ШОШИЛМАНГ!

18

ҚОФИЯНИНГ ҚУРБОНИГА
АЙЛАНГАН ҚАТОРЛАР

Ўзбекистон Президенти Буюк Галабанинг 75 йиллигига бағишлиланган тантанада иштирок этди

Маълумки, бу йил Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида Буюк Галабанинг 75 йиллигига бағишлиланган тантанали тадбир 9 май куни ўтказилиши режалаштирилган эди. Аммо коронавирус пандемияси сабабли уни ташкиллаштириш кейинги муддатларга сурилди.



Зафарли 1945 йилда Галабанинг биринчи марказий паради 24 июнь санасида ўтказилган боис жорий йил ҳам бундай тантана учун айнан шу кун танланди.

Мазкур тарихан мухим воқеани биргаликда нишонлаш мақсадида Россия ҳукумати музaffer мамлакатлар раҳбариятлари номига тақлифномалар юборди. Ўзбекистон ҳам, албатта, ўша голиб давлатлар сираасида. Халқимизнинг ўша машъум урушда муввафқият учун кўшган ҳиссаси, ҳеч муболагасиз, улкан.

Масалан, сўнгги пайтларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида юртимиздан 2 миллионга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Фронт ортида ҳам ўзбекистонликлар кўрсатган матонат келажак авлодларга чексиз фаҳра ифтихор бағишлиайди.

Шу боис мамлакатимиз вакиллари Галабанинг 75 йиллик шонли санаси муносабати билан Москва шаҳрида ўтказиладиган тантанага тақлиф этилди.

Таъқидлаш жоиз, пандемия бутун дунёга ўз таъсирини кўрсатаётган ҳозирги оғир шароитда давлатимиз раҳбарининг бундай тадбирда иштирок этишининг ўзи аждодларга ҳос қаҳрамонлик ифодасидир. Экспертлар фикрига қараганда, мустақил Ўзбекистон Президентининг илк бор қатнаши-

Ўзбекистон Президенти Москвадаги Ислом Каримов хиёбонида бўлди

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги элчихонаси яқинида жойлашган Ислом Каримов хиёбонига ҳам ташриф буюрди.

Президентимиз буюк давлат ва сиёsat арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига хурмат бажо келтириди.

Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фasilatlari bilan Bata nimizning kўp asrlik tarixida yuchmas iz kolldirdi. Na-faqat Ozbekiston, balki jahon miyёsida kattha xurmat va obrў-эътиborga savorov bўlgan ulug shaxs va arbob hotirasiga 2018 yilning 18 oktyabr kuni Moscow shaҳrida ҳайkal ўrnatalilgan.



Шавкат Мирзиёев «Номаълум аскар» ёдгорлигига гул қўйди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига амалий ташрифи давомида Москва шаҳрининг Александр боғидаги «Номаълум аскар» ёдгорлигига гул қўйди.

Умумбашарий аҳамиятга эга ушбу мажмуя Иккинчи жаҳон уруши ўчиқларида Ватан ҳимояси йўлида мардларча ҳалок бўлган турили миллиатга мансуб миллионлаб аскарлар, шу жумладан ўзбек ўғлонларининг ҳам унтутилмас хотираси учун бунёд этилган. «Исминг номаълум, жасоратинг барҳаёт» ёзуви билтилган мазкур ёдгорлик аждодларнинг кўрсатган қаҳрамонлиги ва жасоратининг рамзий ифодасидир.

Иккинчи жаҳон уруши ўзбекистон сарҳадларидан олиса кечган бўлса-да, унинг суронли таъсири, изтироблари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтган эмас. Халқимиз фашизм устидан эришилган ғалабани таъминлашга буюн хисса кўшган. Республикамиздан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилиб, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат мукофотлари билан тақдирланган. Уруш ўчигига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Саховатли ва танти элимиз уларга ўз уйидан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Президент Шавкат Мирзиёев инсоният тинчлиги учун жон фидо қилган ватанпарвар инсонларнинг хотирасига хурмат бажо келтирди.

1966-1967 йилларда барпо этилган мазкур мажмууда абадий олов алангаланиб турди. Унга Россия Федерациясининг маданий мероси обьекти мақоми берилган.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.

Ҳарбийлар муносиб кутиб олинди

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 75 йиллигига бағишлиаб Москвауда ўтказилган парадда чиқиш қилган Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари Тошкентта қайтиб келди.



Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ва парадда иштирок этган бир гурух ҳарбий хизматчilar вазирлик вакиллари томонидан муносиб кутиб олинди.

Шу ўринда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакилларининг мазкур парадда улуғ аждодларга муносиб тарзда иштирок этганини алоҳида таъқидлаш ўринлидир.

Олим БЕРДИЕВ

ЖАРАЕН

ДЕЗИНФЕКЦИЯ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

“ COVID - 19 пандемияси инсониятга бутун умр эсдан чиқмайдиган сабоқлар беришда давом этяпти. Хусусан, бу даврда касби қаҳрамонликдан иборат кўплаб соҳа вакилларини одамлар ўз кўзлари билан кўрди ва кўряпти. Бошқача айтганда, халқ ўз қаҳрамонларини таниб олди.



Бошқа касб вакилларини зинҳор ва зинҳор камситмаган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, шифокорлар ҳамда ҳарбийлар юртга камарбаста бўлиш, она Ватанини, таниш ва нотаниш ватандошларни севиш борасида юрак ва виждон амри билан барчамизга ўзига хос маҳорат дарси ўтиб бермоқда. Табиийки, ҳалқимизнинг ҳам бу касб эгаларига бўлган ҳурмати кундан-кун ортиб бораётir.

Карантин қоидалари кучайтирилган бир пайтда кўплаб тармоклар фаолиятида узилишлар кузатилди. Бу, албатта, фуқаролар саломатлигини ўйлаб қўлланган чора. Мана, вазият барқарорлашиб боряпти. «Қизил та-нафус»дан кейин ҳаёт секин-аста изига тушмоқда. Бироқ ҳали хавф тўлалигича чекингани йўқ. Шу боис санитария-эпидемиологик ҳолатни барқарорлашириш борасида те-

гишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигидаги чора-тадбирлар бир зум ҳам тўхтатилмаяпти. Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари ҳам юртимиз бўйлаб дезинфекция ишларини доимий равишда олиб бормоқда.

Ҳар куни эрта тонгдан Мудофаа вазирлиги Радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза кўшинлари ва Санитария-эпидемиология назорати маркази билан ҳамкорликда пойтактимиздаги барча бозор ва унинг ҳудудида жойлашган савдо шоҳобчаларида, маҳалла ва кўп қаватли уйларда дезинфекция ишлари олиб борилмоқда. Ҳарбий хизматчилар билан мамлакат миқёсида ўтказилаётган бу каби комплекс ўқув машғулоти эпидемияга қарши курашишда ўз самарасини бераётir.

Республикамиз туман ва шаҳарларидағи аҳоли гавжум жойларда янги услугуб ва ёндашув билан, самарали ҳимоя воситаларини кўллаган ҳолда фаол ишлар олиб бориляпти. Ушбу тадбирларни амалга оширишда замонавий исисик буген генераторларидан фойдаланилмоқда. Мазкур генераторларни кўллаш дезинфекция ишлари сифатини ошириш



имконини бермоқда. Пойтактимизнинг ўзида дезинфекция ва тозалаш тадбирларини амалга ошириш учун 1 300 га яқин ҳарбий хизматчи, 60 та маҳсус техника, мингдан ортиқ замонавий автомакс ва генераторлар жалб этилган.

Бу ҳаракатлар давомида албатта, етарлича тажриба тўпланмоқда. Шу билан бирга,



дезинфекцияга жалб этилган техникалар модернизация қилиб бориляпти. Уларнинг янгидан-янги имкониятлари ҳам синовдан ўтказилмоқда.

Республикамиз бўйлаб ҳар куни олиб бориляётган ушбу тадбирларга барча округларнинг куч ва воситалари жалб этилган. Улар ҳар куни ўқув-амалий машғулотларини олиб бориб, кўринмас душманга қарши курашяпти.

И. НУРАЛИЕВ

МАРДИ МАЙДОНЛАР

ЛАҖЗАЛАРДА ХАЁТ АКСИ

Парашют билан сакраш машғулотидан репортаж

„ Эрта тонг. Соф
хаво. Дил яйрайди.
Күчаларда машиналар
сийрак. Завқи ичига
сигмаётган ҳамроҳимиз
«гази»ни босади.
Радарлар ҳам ҳайратда
қолаётгандир, деб
кулишамиз. Ахир
парашют билан сакраш
машғулотига бораётган
одам тезликни хис
килиши керак-ку!

Тошкент ҳарбий округида жойлашган «Марказ» десантчилар тайёрлаш базасига айни вақтида етиб бордик. Саф тортган иштирокчилар сакраш олдидан кўрикдан ўтказилаётган экан. Ҳар бир ускуна назардан ўтказилгач, ҳарбий хизматчиларга назарий тушунтиришлар етказилди. Улар бажарадиган ҳаракатларини хаёлларида яна бир бор жонлантириб олдилар. Ушбу машғулот десантчиларнинг нафақат профессионал маҳоратини ошириши, балки гурӯҳнинг жипслигини мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Десантчилар вертолётга чиқар экан, хаяжонимиз уларнидан кам эмасди. Бир-икки гурухни кузатиб кўйдик. Ҳарбий хизматчиларнинг осмон тоқидан энишларини жи-им кузатамиш. Нималарни хис қилишаётган экан? Саноқли лаҳзаларда ўтказган умлари-ю келгуси режалари кўз олдиларидан ўтаётган бўлса, не ажаб!? Уларни баҳолаш мезонлари қандай?

Улар билан самога кўтарилидик. Десантчиларни бир-бир кузатаман, айниқса, Қуроли Кучлар академияси ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсантларининг тарафидуди айрича.



Чуқур-чуқур нафас олишади, айримларининг юзлари сал оқарган. Аммо ички фалаёнларини бир-бирларига сездирмайди.

— Биринчи маротаба парашют билан сакраяпман. Сира эсимдан

чиқмайдиган бўлди. Бугун түғилган куним, — деди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти курсанти Шерали Кўчкоров. Ёнаги ўзини Ойбек Муҳаммаджонов деб таниширган курсант ҳам биринчи



марта сакраётганига ишора қиласи.

Нима бўлса бўлди, йигитлар бирин-кетин вертолётни тарқ этишиди. Шоша-пиша сұхbatлашганлариминг исм-фамилияларини қайд этишга киришдим. Қизиги шундан кейин бўлди. Ёзб бўлиб қарасам, уларни тасвирга олиб турган ҳамроҳимиз майор Фозил Ходжаев ҳам фойиб бўлиб қолибди. Эгнида парашюти ҳам йўқ эди. Не хаёлларга бориб ойнадардан пастни кузатаман...



Муаллиф сурʼатга олган

600 ва 800 метр баландликдан сакраётган машғулот иштирокчилари учун аппаратидан ажralib чиқиши, ҳаводаги ҳаракати, қуроли ҳавода жанговар холатга ўтказши ҳамда ќўниш жараёнига қараб баҳоланаар экан. Мутасаддиларнинг билдиришича, вазифалар муваффақияти бажарилди. Фоъл иштирокчиларга Мудофаа вазиригининг «Намунали хизматлари учун» кўкрак нишони ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилгани айтилган сўзининг исботи бўлди.

Айтганча, майор Фозил Ходжаев топилди. У экипаж командири капитан Шерзод Файзиев, инструктор подполковник Аббос Усмонходжаевнинг машғулот иштирокчилари ҳақидаги фикрларини билиш учун вертолёт кабинасига кириб кетган экан. Мухими, машғулотлардан соғ-омон қайтиб, таассуротларимизни баҳам кўришга муваффақ бўлдик.

Катта лейтенант
Азиз НОРҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

«АрМИ – 2020» ОЛДИДАН

ШОХСУПАДАГИ КҮТАРИЛИШ

„...Япониялик профессор Хидэсабуро Уэнога ит совға қилиши. Улар жуда тез чиқишиб кетди. Ит ҳар куни ўз эгасини ишга кузатиб қўяр ва ҳар куни бир хил вақтда, бир хил жойда – «Сибурия» темир йўл станциясида эгасини ишдан келишини кутиб ўтиради.

Профессор 1925 йили юрак хуружидан вафот этади. Аммо ит ўз хўжайини ишдан қайтадиган айни ўша вақтда вокзалга чиқар, эгасининг келишини кутаверар эди. Аммо у келмасди. Шу зайл орадан 10 йил ўтди. Итнинг вафоси кучайса кучайдики, асло сўнмади. Ҳа, бу ўша садоқат рамзига айланган машҳур Ҳатико эди...

Итлар нафақат инсонга содиқ дўст, балки улар кўриқчи, ҳимоячи ҳамдир. Шу боис инсоният қадим замонлардан бери бу жонивор билан дўст тутуниб келган. Таъкидлаш керакки, маҳсус топширикларни бажаришда хизмат итларининг ўрни бекиёс. Уларни турли хил хатти-ҳаракатларга ўргатиш, парвариш қилиш, буйрукларни тўғри ва аниқ бажаришга йўналтириш эса мутахассис-кинологлар зиммасидаги вазифа саналади.

Халқаро армия ўйинлари мусобақаларида ҳарбий кинологларимиз 2018 йили 3-, 2019 йили эса фаҳрли 2-ўринни қўлга киритди. Бу, албатта, ўз-ўзидан эришилаётган натижалар эмас. Бунинг замонирида она Ватан ҳимоячиларининг тинимиз машғулотлари ва хизмат итлари билан тўғри йўналишда олиб борилаётган ишлар мужассам.

Вакилларимиз жорий йилда бўлиб ўтадиган армия ўйинларининг барча йўналишлари, хусусан, «Содиқ дўст» мусобақасига ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизи, ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар ва хизмат итларидан иборат жамоа мусобақанинг ҳар йилги пешқадамларидан бири. Табиийки, бунда бошқа давлат жамоалари илфорларга қараб ўз соат милларини тўғрилаб олишади. Шундан ҳам билиш


ёхуд навбат 1-ўринга!



мумкин, мусобақа ўта қизғин ва муросасиз кечади.

Бу йилги мусобақада иштирок этадиган Мудофаа вазирлиги кинологлар жамоаси жорий йилнинг январь ва февраль ойларида ўтказилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-тандловининг барча босқичларидан муваффақиятли ўтиб, саралаб олинган.

«Содиқ дўст» мусобақаси «Дог биатлони», «Эстафета», «Ҳимоя коровул хизмати», «Мина қидириш хизмати» ва «300 метр масофага тўйсикларни хизмат ити билан енгиг ўтган ҳолда югуриши» каби жами 5 та шартдан иборат. Ҳарбий хизматчилар, шунингдек, якка тартибда умумий 3 200 метр масофага



югуриш давомида пневматик милтиқ ёрдамида 50 метрдаги нишонларни мўлжалга олиш шартларига тайёргарлик кўрмоқда.

Вакилларимиз эришиб келаётган натижалар билан юқорида танишдингиз. Эътибор берган бўлсангиз, ўзбекистонлик кинологлар йиллар кесимида олдинга ҳаракат қилиб бормоқда. Яни ҳар йили шоҳсупада кўтарилиш бўяпти. Демак, йигитларимиздан бу галги мусобақада фаҳрли биринчи ўринни кутишга ҳақлимиз. Зоро, бунинг учун уларда барча имконият ва шарт-шароит етарли.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»

— 26 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ —

Бирлашган Миллатлар асосий таҳдидлари – ядро уруши ва экологик фалокат қаторига гиёхвандликни ҳам расман күшгани бежиз эмас. Чунки наркотик моддалар истемоли турли жабҳалардаги миллӣ манфаатларни рӯёбга чиқаришга кучли таъсир қиласди. Демографик ва ижтимоий хавфсизликка зарар етказади. Шу боис БМТ Бош ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрдаги резолюциясига биноан 26 июнь – Халқаро гиёхвандликка қарши кураш куни деб эълон қилинган.

Гиёхвандликка қарши курашиш жамият олдида турган энг муҳим вазифалардан бириди. Гиёхвандлик воситаларининг катта миқдорда етиширилаётгани ва сайдерамиз бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани ўз келажаги учун қайғурadi-ған ҳар бир миллатни ташвиши солиши шубҳасиз. БМТ наълумотига кўра, бугунги кунда гиёхвандларнинг аксарият қисми 15–35 ёшли йигит-қизлардир. Айни пайтда уларнинг сони 500 миллионга етган. БМТ эксперлари ўтказган тадқиқотга кўра, жаҳонда ҳар йили тахминан 200 минг наркоман вафот этаркан. Статистик маълумотлар бугунги кунда наркобизнесдан йилига 400 миллиард доллар даромад олинишини кўрсатмоқда.

Демак, инсоннинг рухий ва жисмоний саломатлигини эмирувчи, гулдек оиласларни пароканда қуловчи гиёхвандликка қарши курашиш нафақат давлатларнинг, балки бутун дунё жамоатчилигининг иши бўлиши керак.

Бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам наркотик ва психотроп воситалардан ноқонуний фойдаланишга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Жамиядта соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини асрарга устувор вазифа сифатида қарабяли.

Юртимизда «Сурункали алкоголизм, гиёхвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўйлан беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги ва «Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон БМТнинг Гиёхвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муюмаласига қарши курашиш бўйича конвенцияларига кўшилган.

Қўринид турнибидики, мамлакатимизда гиёхвандликка қарши курашиш борасида мустаҳкам

ХУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларнинг бирида Мудофаа вазирлиги, Тошкент ҳарбий прокуратураси, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмандонлиги билан ҳамкорликда видеоселектор ўтказилди.

Сўзга чиққанлар томонидан хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юқсалтириш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Бу жараёнда ҳар бир фуқаро Бош қомусимизни билиб, унга амал

ТУБАНЛИК БОТҚОҒИ



ёхуд борса келмас йўл

хуқуқий асослар яратилган. Аҳоли ўртасида гиёхвандликка қарши изил тарғибот-ташибиқот ишлари олиб борилмоқда.

Кези келганда яна шуни айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиши миллӣ ахборот-таҳлил марказининг маълумотларига кўра, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда нарковозияга хос эпидемиологик кўрсаткич ижобий томонга ўзгариб боряпти. Ҳар йили наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиси билан боғлиқ жиноятлар сони аввалиг йилларга нисбатан камаймоқда.

Бироқ аҳоли ўртасида бошқа бир иллат учрий бошлади. Яъни «Трамадол», «Лирика», «Тропикамид» каби психотроп дориларнинг истемоли кўйгани, айниқса, ўспирин фарзанди бор ота-оналарни хавотирга солиб кўйди. Сабаби, бу дориларнинг асосий истемолчилари беморлар эмас, балки ёш авлад вакиллари бўйл қолди. Шунинг учун ҳам 2018 йил 22 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унга кўра, «Трамадол», «Лирика» каби дорилар наркотик моддалар қаторига киритилди. Уларнинг ноқонуний сотилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар кучайтирилди. 2019 йил 6 сентябрда эса давлатимиз раҳбарининг «Дори воситалари ноқонуний айланисининг олдини олиши чораларини кучайтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, аҳоли соғлигини асрарга қаратилган чора-тадбирларнинг янада кучайшига замин яратилди. Қарорда Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратура, Соғликин сақлаш вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи зиммасига бир қатор вазифалар юкланди.

Ҳар йили 26 июнь куни анъанавий тарзда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

томонидан ноқонуний муюмаладан олинган гиёхвандликка воситалари йўқ қилинади. Ўттан йилда ўтказилган тадбирда жами 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёхвандлик воситалари ёқиб юборилди. Шу жумладан, 7 килограмм 757 грамм героин, 195 килограмм 415 грамм опий, 56 килограмм 140 грамм гашиш, 557 килограмм 398 грамм марихуана, 130 килограмм 18 грамм кўнкори, 80 килограмм 920 грамм каннабис, 263 грамм синтетик наркотик воситалар ҳамда турли хил психотроп моддалар йўқ қилинди.

Бу борада Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуроли Кучларимиз қўмандонликлари билан ҳамкорликдаги комплекс режалар ижроси доирасида ҳарбий хизматилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ёшлар иштироқида тизимиш тадбирлар ўтказилмоқда. 2020 йилинг ўтган даврида 150 га яқин тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилди. Пандемия шароитида бу каби тадбирларни онлайн мулоқот тарзида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хулоса қиласиган бўлсак, оғунинг қулига айланганларни даволашдан кўра гиёхвандликнинг олдини олган минг марта афзал. Демак, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш барчамизинг бурчамизидир. Зоро, соғлом мухитда тарбия кўрган фарзанд турли хил иллатларнинг домига осонгина илинис қолмайди. Бир сўз билан айтганда, уйимизни, фарзандларимиз ҳамда яқинларимизни «оқ ажал»дан айнан ўзимиз арасшимиш керак. Гиёхвандлик – тубанлик ботқоғи борса келмас йўл эканлигини бир зум бўлса-да унутмаслигимиз лозим.

Адлия полковники
Баҳодир ҲУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий
прокурорининг биринчи ўринбосари

Мустаҳкам оила қалити

қилиб яшали лозимлиги, ана шундагина ҳаёт фаровон бўлиши эътироф этилди.

Шунингдек, ҳарбий оиласлардаги мухитни барқарорлаштириш, оиласлар низолар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш борасида



масъул мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилди.

– Ажрашиш арафасида турган оиласларни ўргансангиз, уларнинг муаммоларни бир-бирига ўхшайди. Аммо ажримга қадар оиласи сақлаб қолишининг имконияти анча юқори, – дейди Дилбар Ҳусанова. – Агар эркак ва аёл оиласи ўрнини билса, зиммасидаги масъулиятни доим хис килса, бу оиласда ҳеч қандай тушунмовчилик, келишмовчилик юз бермайди.

Видеоселектор иштироқчилари ўзлари қиётириган саволларига масъул мутахассислар томонидан батафсил жавоб олдилар.

Адлия майори Гулчехра ТУРСУНОВА,
Тошкент ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Табрик

НОМИМИЗ БИР, МАҚСАДИМИЗ МУШТАРАК



**Генерал-майор Рустам НИЯЗОВ,
«Ватанпарвар» ташкилоти
Марказий кенгаси раиси**



ракбод этамиз.

«Vatanparvar» газетаси бугунги кунда милли армиямиз нуфузини оширишда жуда катта хисса кўшиш билан бир қаторда, нафақат армиямизда хизмат қиласётган ҳарбий хизматчиликага, балки эндиғина ҳарбий хизматга қадам қўяётган ёш авлодни, бўлажак сержант ва офицерлари ҳарбий-ватанпарварлик руҳидан

«Vatanparvar» газетасининг чоп этила бошлаганига 28 йил тўлиши ҳамда 27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан газета таҳририяти жамоасини «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаси номидан мубо-

тарбиялаш, Ватанни севиш ҳамда уни садоқат билан ҳимоя қилиш каби туйгуларининг шакллантирилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўймондони бошчилигида тизимда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар ва унинг натижасида мамлакатимиз мудофаа қудрати, ҳарбийларнинг она Ватанимиз ҳимоясига доимо шай эканликлари ҳақида ахборотларнинг мунтазам ёритиб борилиши ҳалқимиз томонидан илиқ қабул қилиниши «Vatanparvar» газетаси нуфузининг янада ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

«Vatanparvar» газетаси бугунги кунда милли армиямиз нуфузини оширишда жуда катта хисса кўшиш билан бир қаторда, нафақат армиямизда хизмат қиласётган ҳарбий хизматчиликага, балки эндиғина ҳарбий хизматга қадам қўяётган ёш авлодни, бўлажак сержант ва офицерлари ҳарбий-ватанпарварлик руҳидан

— ГАЛАБАНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА —


“..Бир томони Харьков шаҳри, бир томони Сталинск шаҳри, Светогорск деган бир жой, ўрмон, Данец дарёси оқади, шу дарёнинг бир томонида биз, у томонида фашистлар. Кечаку кундуз ҳар икки томон тўп ва миномётлар билан отишиб туради. Лекин бунга ўрганиб қолган булбуллар парвосиз сайрайди. Мен ҳам дадилман. Келажагимдан умидим бор. Йўлда келаётib кўрган бомбалар билан юрагимни тўхтатиб олганман».

Уруш ўчоқларидан юборилган мактубгунинг ушбу сатрлари 3-4 кунлаб хаёлимда айланниб юрди. Ўлим хавфи турганда парвосиз сайраётган булбулларни илғаш учун қанчалар мусаффо қалб кепрек. Бугун биз тинчлик замонида, тўкинчилик чигида гўзалликларни хис қўлмай қўймадикми? Үзимиздан ортмаймиз, ёнимиздаги одамнинг, ҳатто ўзимизнинг кўнглиминга кулоқ тутишга вактимиз йўқ гўё! Улар эса ажал қаршишида туриб, кушлар чуғуридан завқ тўйяти.

Тўғри, уларнинг бу кунгача босиб ўтган ҳаёт ўйли ўзгачадир. Бизда мавжуд маълумотларга кўра, ушбу хат уруш майдонларидан кичик лейтенант Анвар Салимов томонидан онаси Нурхон Салимовага ёзилган. Мактуб воқеасини ёдингизда тутиб турсангиз, бу дамгача ўтган ишларни хотирлаймиз.

Нурхон чеварнинг олти ўғил, икки қизи бор эди. Улар кўчаларни тўлдириб юрганида қувонгана дунёнинг қай бир бурчагига баҳтига кўз олайтирган борлигини ҳали билмасди. 1939 йили Финляндия уруши бошланниб, ўғли Тальятбекни кузатишга мажбур бўлди. Қиркинчи йилининг кузида Сайфулло ҳам ҳарбий хизматга отланди.

Журналист Мирзоҳид Мирзарахимов «Гулчамбар» номли очеркда уларни шундай эслайди: «Иккаласи ҳам умрида бирор билан уришмаган ююш, бўз болалар эди. Иккаласи ҳам милтиқ отишни билишмасди. Улар ўқитувчи эдилар, болаларга



ЖАНГОҲДАГИ БУЛБУЛ НАВОСИ

ўқиши, ёзиши, Ватанни, одамларни севиш, ҳурмат қилишини ўргатардилар».

Ука ва сингилларига бош бўлиб турган Анваржон онасининг кўйлини кўттарар, оиласидагиларга ниҳоятда меҳрибон эди. Таҳририядаги адабий котиблик, театрда адабий эмакдошлидан вақт топлиб, уруш билан боғлиқ ҳар қандай янгиликни билишга ошикарди. Жондан севган укалари қаэрларда жон олиб-жон берib юрган экан. Номи ўчгар уруш фақат жон олишмас, жон бериш ҳам эди. Укаси Сайфулло Нарва шаҳри учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлганини онасига айти олмади.

Онаси ўғлига күёвлик сарполари ҳозирлаб кўйганни. Анвар онасига термилиб чидай олмасди.

— Укам учун, топталган она тупрок учун қасд оламан! — деди у қаттиқ пичирлаб. — Шундай қасд олайки...

Ҳарбий комисариатага ўз ихтиёри билан кўз ёш томчиларини қўшиб ариза ёзди. Ори келди, ёшларини кимса кўришини истамади, қайта ёзди. У мағлуб бўлмаслигига мустаҳкам ишонч билан душманни яксон қилиш учун жангга отланди. Шундан сўнг Анвардан юзлаб мактублар, табриклар, расмлар, газеталарда босилган мақола ва фазаллар келиб турди. Улар оиласининг энг севимли бисоти сифатида сакланарди.

«Қор ёғса том куралмай қолмасин, – деб ёзди жанг майдонидан у, – бизда совук. Совқотсак югурмази. Аскарнинг пекчаш югурши экан.

Радио гапиряптими? Янги ютуқларимизни ўшитяпсизми? ўшитинг!»

1944 йил 18 январида бир олам қувонч ва фарҳ билан ёзган хати февралнинг бошларида етиб келди. Оиласада бу хат ўқилиб, ҳамма қувонаётган худди шу 2 февраль куни Анвар Салимов жанг майдонидан бехуш ётарди. Сизларни соғинишдан бошқа камим йўқ, деб ургу берилган сатрлараро шошилиб кетаётган нигоҳларингиз намланганини сезмай қоласиз. Нурхон ая фронтдаги иккинчи ўғлидан ҳам айрилганди.

Айтганча, биринчи бўлиб урушга кетган Тальятбек соғ-омон қайтади. Ленинград жангларида оёғидан ўқ бехуш ётганида жанг майдонидан елкасида кўтариб чиқиб, ҳаёт бахш этган ҳамшира қиз Мария Алимовага ўйланади. Фарзандлари кўриб, мазмунли умр кечирадилар.

Нурхон аянинг кичик қизи Моҳира она билан кўп сухбатдош бўлганман. Устозимиз филология фанлари доктори, профессор Ботирхон Акрамовнинг турмуш ўтгоғи эди. Умри поёнига қадар акалари ҳақида тўлиб-тошиб гапириб яшади. Фарзандлари наздида ҳам тогалари идеал шахс сифатида бўй кўрсатди. Катта қизи Гули Акрамова тогалариdek ўқитувчи бўлиб, узоқ йиллардан буён болаларга таълим-тарбия берилади. Фарзанди Гуландом Акрамова билан биргаликда отасининг кўләзмаларини жамлаб, бир неча китоблар чоп эттириди. Аксарият кишилар дунёга муккасидан кетган бир маҳзала улар оталаридан улгу олиб, тогалариdek иш ўйлида, маънавият гулшанидаги жонбозлик кўрсатмоқдалар.

А. НОРҚУЛОВ

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

«ТУРКИСТОНЛИК – ШОНИМИЗ, ТУРОНЛИК – УНВОНИМИЗ»

(бешинчи мақола)

ДИН, ЭЪТИҚОД ҲИМОЯСИ

Бўзимни кўйдираётган гаплардан бири Мадаминбекнинг Фарғона фронти қўшилари кўмандони М. Сафоновга ёзган хатидаги «...Сиз ҳалқнинг ўз тақдирини ўзи бўлгилаш ҳуқуқини ёълон қўлдингиз, шундай экан, нега сиз уларни бизга бермайсиз? Еки биз фақат мусулмон бўлганигизим учунни?» деган жумлалари. Зулмга асосланган сиёсат нафақат эрк, озодлини, балки диний эътиқодни бўғишга ҳам қаратилгани учун бу оташин сўзлар билан «жанг»га киришлган. Айнан шу омилга эътиборни қаратсан. Яъни миллӣ озодлик учун курашган аждодларимиз дин ҳимоясини бошқа масалалардан кам қўймаган. Шунинг ўзи ҳам кураш мояхитини яна бир бор англашимизга ёрдам беради. Ахир ислом дини бирорвга зулм ўтказиш, мулкига тажовуз қилиш, ноҳақ қонини тўкишдан қайтарган. Ҳалол ва ҳаромни фарқлашга ўргатган. Шўролар, қизил аскарлар мұқаддас динимиз орқали қон-қонимизга сингган турмуш тарзимизга, эътиқодга ҳужум қилгани учун кўлга қурол олинган. Буни далиллар ёрдамида кўриб чиқамиз.

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» иккинчи китоби 95-бетида шундай ёзилган: «Миллӣ озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган ва унинг ғоявий мағкурачилари бўлган ислом уламолари орасида яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатининг пирлари кўп бўлишган. Хорижлик тарихи Мэри Брокспиннинг ёзишича, Фарғонадаги энг қаттиққўл кўроши Ҳолхўжа Эшон яссавийлик тариқатининг вакили бўлган. Ислом Пахлавон ва Мулла Дехқон кўрошилар эса тасаввuf шайхлари эдилар». Хўш, нега дин масаласи бу муаммода ўртага чиқди?

Бу борада дастлаб Д. Зуевнинг «Фарғонадаги босмачилик (1918–1922 йиллар)» номли материалидан жавоб топдик. Китобнинг 45-бети «Босмачиликнинг иккинчи тўлқини» деб номланади. Муалиф 1920 йилнинг ёзи ўрталаридан Фарғонада босмачилик ҳаракати қайта авж ола бошлагани, советлар учун жиддий хавф ўйғотаётгани, вилоят иқтисодитетини узил-кесил издан чиқарганини афсус билан ёзар экан, бунга иккита сабабни рўйкач қиласди. Биринчиси, ташки сабаб. Буни муалиф Афғонистон орқали келаётган панисломизм ғоясига боғлади. Яъни Афғонистоннинг Англия устидан ғалаба қозониб, ўзини мустақил деб ёълон қилганидан кейин барча мусулмонларнинг ғайридинларга қарши кураши авж олганидир.

Иккинчиси – ички сабаб. Асарнинг 46-бетида бу ҳақда тўхталар экан, полковни Д. Зуев шундай ёзди: «Ички сабаб, туб аҳолининг шариатга асослаган турмуш тарзи билан келишмасдан, ўйламасдан ижтимоий соҳада амалга оширилган ислоҳотлар билан боғлиқ. Россияда чорковни давлатдан алоҳидалаш-

нинг бу ерда имкони бўлмади. Негаки, шариат эътиқодли мусулмон учун нафақат диний, балки ҳаётидаги майдай-чўйдагача белгилаб берувчи (нонин қандай синдириш, таом ейиш, ухлаш ва х.к.) юридик ҳамда ижтимоий кодекс эди». Муалиф шулар ҳақда ёзар экан, совет ҳукуматининг никоҳ масаласи, мерос ҳуқуқи, ер, мактаб ва бошқа соҳалардаги тадбирларида шариатга, демакки, динга зид ишлар қилинганига урга беради. Масалан, хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилганини алоҳида келтиради. «Айниқса, меҳнат мажбурияти, озиқ-овқат развёрсткаси ва хусусий савдони тақиқлашдик фармойишларга тоқат қилиб бўлмади», дейди. Муқаддас исломга, шариатга, эътиқодимизга зид ишлар миллатнинг мудраб ётган ҳужайраларини ҳам ўйғотди. Ҳаёт-мамот масаласи учун кўлга қурол олинди. Улimgа тик борилди. Эътиқодни, динни оёқости қилганлар, ҳақорат қилганларга ишониш мумкинми? Эътиқодга қаратилган босқин миллатни ёппасига курашга чорлади. Шу сабаб юқорида хорижлик тарихи Мэри Броксан айтганидек, катта уламолар ҳам қўлига қурол олди.

ЛЕНИН ҚЎЛЛАГАН СИЁСИЙ ЧОРА

Яна бир манба рус олими Павлович Сергей Леонардовичнинг 2019 йилги диссертацияси, «Ўрта Осиёда ишич-дехқон қизил армия миллий ҳарбий тузилмаларини шакллантириш тарихи (1920–1938 йиллар)» деб номланган ишинга рақаблаб кўраман. Илмий ишнинг 54-бети 1.3-параграфини олим «Ўрта Осиёда ҳарбий-сиёсий ва диний партизанлик ҳаракати (босмачилик)» қарши курашда миллий куролли тузилмалар» деб номлаган. Эътибор беринг, «ҳарбий-сиёсий, диний партизанлик», дейиляпти. Бу Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатида дин ҳимояси масаласи ҳам турганига яна бир далил.

С. Павловичнинг ёзишича (57–58-бетлар), 1921 йилда аксил-инқилобий ҳаракатлар Туркистон Республикасининг кўп қисмини эгаллаб олади. Айниқса, Фарғона, Самарқанд ва Хўжандга шўро амалдорлари ҳатто кўриқчисиз ҳаракатланишга ҳайққан. «Босмачиликни кўллаб-куватлашни қандай қилиб бартарага этиш бўйича совет ҳукуматининг боши котиб қолди. Бу муаммо ечими бўйича Москвадан ҳам тайинли жавоб олинмайди. Бирор мумхонни ечиш учун терорни кучайтиришини таклиф қисла, яна бирорвlar масалани тинч йўл билан ҳал этиш, Фарғона миңтақасига мухторият макомини беришни таклиф қилаётганди», деб ёзди олими.

Яна бир фактга эътибор қаратамиз. «Правда» газетасининг 1920 йил 10 октябрь сониди ўша пайтда миллатлар масаласи бўйича нарком вазифасини эгаллаган И. Сталин

мақола ёзиб, жумладан шундай дейди: «Қолоқ районларни зудлик билан советлаштириш мақсадида кавалерия рейдларини кўллаб бўлмайди». Қолоқ, дея камситилганда асосан Туркистон назарда тутилаётган эди. Хўш, Сталинек мустабид аҳолига терор кўлламасликни, яъни рейдларни ўтказмасликни нега муаммо сифатида кўтарди? Бунинг жавобини С. Павлович ўша даврда қизил армиянинг кучизланганини, аҳоли билан тил топлиша олмайтгани билан изоҳлайди. Фарғона фронти қўмондонининг «Қизил армия қисмлари аҳоли ичига кира олмадилар», деган гапларини ҳам келтиради. Натижада Туркистон совет ҳукумати юзага келган мурakkab вазиятда Москвадан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. «Шахсан Лениннинг раҳбарлигига иқтисодий ва сиёсий характердаги радикал чора-тадбирлар қабул қилинади. Анъанавий қозилини тиклаш, ер участкаларини эгаларига қайташ, диний мактабларни легаллаштириш бўйича қарор қабул қилинади», дейди С. Павлович.

Олимнинг ёзишича, совет ҳукумати ҳатто диндорлар билан фаол ҳамкорлик қилиб, қозиларнинг уезд ва вилоят курултойларини ташкил этиши ва ўтказиша руҳсат берган.

Маккорона усул. Ҳалқ билан тил топишиш, миллий озодлик ҳаракатига узил-кесил зарба бериш учун шундай сиёсий усул ўйлаб топилди. Вақтинча, омонатгина бўлса-да эътиқод масаласида ён берилди.

Чўққисоқол доҳий «муруввати» негизидаги ҳақиқатини англагандирсиз. Шўроларнинг шариат мезонларини қайта тиклаш, диний мактаб, яъни мадрасаларга қонуний фаолият олиб боришига имкон бериси сизга ҳеч нарсани эслатмаяптими?! С. Павлович юқорида санаб ўтган Зати муҳим масаладан 2 таси диний эътиқод билан боғлиқлиги-чи? Миллий озодлик ҳаракати етакчилари, уларга эргашган ҳалқ қўлига қурол олиб, қаттиқ қаршилик кўрсатишда эътиқод масаласи қанчалар мавжуд бўлиб, улар ҳаракатдаги кўрбоши дастларни ва гуруҳлари фаолиятида, максад ва истаскларида ўз ифодасини топган эди. Буларда ислом шариати қонун-қоидлари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузиш каби юялар мужассамлашган эди.

Баъзан максад, манфаатлар майдалашган, кураш гоҳ кучайиб, гоҳ сусайғон, ўзаро ихтилоф, хиёнат бўлган. Қизил «террор», шўро босқинчилари ёнг тубан, разил усул-услубларни кўллаб, мусулмонни мусулмонга қайраган. Фитна, иғво ва бошқа амаллар чёндек ниш санчган, курашни жисмонан маҳв этган. Мўйсафид тарих билан юракни очиб «сўзлашсан», ҳали бу саҳифада кўп сирлардан огох бўлашимиз. Аммо билишимиз, англанимиз керак бўлган ҳақиқат бор. Бу курашни бошидан-охиригача кўллаб турган асосий ғоя. Бу – Туркистон мустақиллиги учун кураш.

Яна бир гап. Туркистон мухторияти мадҳияси – эрк қўшиги айнан миллий озодлик учун кураш руҳиятида доим яшагандек тулои менга. Бугун ҳам руҳимизда, қонимизда яшашини истадим.

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,

Ватан – бозининг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

Алижон САФАРОВ,

Ўзбекистон Журналистика ва
оммавий коммуникациялар
университети катта ўқитувчisi

турли давлат маъмурий бошқарув идоралари жойлаши, баъзиларидан турли майший хизмат бинолари ва омборхоналар ўрнида фойдаланиши. Баъзилари бутунлай бузид юборилди. Шайх Дарвеш, Чўбини кеппа, Ҳожа Қурбон, Ҳожа Давлат, Насридинбай Қаршигий, Назарча каби яна бир қанча мадрасалар инқилоб замонида вайрон қилинган эди.

Шу жойига келганда кўзимда ёш алланди. Қалбим-да йиглаётган эди. Давомини ўқиганимда беихтиёр бармокларим букилиб, муштга айланди. «Шўролар маърифатнинг «Бухоро таълими тизими» деган катта бир тарихи китобини шу тарика ёпиб кўйган эди». Ислом дини орқали миллат онгига сингиб келаётган маърифат булогини босқинчилар узил-кесил ёпиб кўйишиди. Мана шундай улкан жиноят учун, ислом дини, ислом маданияти, ислом маърифатни ҳимоя қилиш учун аждодлар кўлига қурол олишганди. Миллат тарихига, миллат маънавиятига, маърифатига қаратилган ҳақорат, тубанликка қарши курашмаслик мумкин эмасди. Кетмон билан бўлса-да, паншаҳа билан бўлса-да, ўт-олов олдига чиқмасликнинг иложи ўйўнди. Гап ҳаёт-мамот масаласи – дин, эътиқод ҳимоясига қаратилган эди. Мана шунинг учун ҳам вазиятни бироз юмшатиш, миллат қалбидаги оташни бироз сўндириш мақсадида юқоридаги сиёсий чора кўлланилган эди. Яъни шариат арконларини тиклаш, мадраса ва диний мактаблар масаласида. Афсус, ғаразли мақсадига эришгач, шўролар динни, эркни бўгиша, зулмни кучайтиришда давом этади.

ЭРК ҚЎШИГИ

«Ўзбекистоннинг янги тарихи» иккинчи китоби 85-бетида қайд этилишича, Туркистондаги истиқолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий характеристири ҳаракатдаги мавжуд бўлиб, улар ҳаракатдаги кўрбоши дастларни ва гуруҳлари фаолиятида, максад ва истаскларида ўз ифодасини топган эди. Буларда ислом шариати қонун-қоидлари асосидаги миллий давлат барпо қилишдан тортиб, миллий демократик тартибдаги мустақил давлат тузиш каби юялар мужассамлашган эди.

Баъзан максад, манфаатлар майдалашган, кураш гоҳ кучайиб, гоҳ сусайғон, ўзаро ихтилоф, хиёнат бўлган. Қизил «террор», шўро босқинчилари ёнг тубан, разил усул-услубларни кўллаб, мусулмонни мусулмонга қайраган. Фитна, иғво ва бошқа амаллар чёндек ниш санчган, курашни жисмонан маҳв этган. Мўйсафид тарих билан юракни очиб «сўзлашсан», ҳали бу саҳифада кўп сирлардан огох бўлашимиз. Аммо билишимиз, англанимиз керак бўлган ҳақиқат бор. Бу курашни бошидан-охиригача кўллаб турган асосий ғоя. Бу – Туркистон мустақиллиги учун кураш.

Яна бир гап. Туркистон мухторияти мадҳияси – эрк қўшиги айнан миллий озодлик учун кураш руҳиятида доим яшагандек тулои менга. Бугун ҳам руҳимизда, қонимизда яшашини истадим.

Туркистонлик – шонимиз, туронлик – унвонимиз,

Ватан – бозининг жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!

КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ

ҲАРОЛЬД ЛАМБ: «БОБУР – ЙЎЛБАРС»

Биз совет мактабларида ўқиган авлод Захириддин Муҳаммад Бобурни кўпроқ шоир сифатида билар эдик. У ҳақда билимларимиз умумийликдан нарига ўтмаган.

Америкалик шарқшунос Ҳарольд Ламбнинг «Бобур – йўлбарс» асарини варақлаётib, бир нарса эътиборимни тортди. «Муаллиф ҳақида» сўзбошида шундай маълумот берилди: «У (Ҳарольд Ламб) салким юз йил аввал Американинг Колумбия университетида бу асарни ёзишга киришганида, ўша даврнинг тақиқи олимларидан бири бундай масъулиятли ишни фақат юксак билим даражасига эга бўлган Британия мутахассисларигина уддалай олиши мумкинligини таъкидлаган эди. Кейинчалик, орадан анча вақт ўтиб, ҳарбий соҳада ишлаб юрган кезларда новча бўйли, сочларига оқ оралаган, таҳжига бой бу келишган одамин атрофдагилар кўпинча Британия офицери сифатида қабул килишар эди».

Фақатгина «юксак билим даражасига эга бўлган Британия мутахассисларигина уддалай олиши мумкин» бўлган бу масъулиятли иш нима эди?


Бу – улуғ аждодимиз, шоҳ ва шоир, тенгиз саркарда, қомусий олим, мутафакир Захириддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги тарихий асар эди.

Қаранг-а, у қандай эҳтиром билан ўрганилган экан хорижда, Британиянинг хос мулкидек, гўё. Уни ҳамон ўрганяптилар.

Ҳарольд Ламб 1892 йилда Американинг Нью-Жерси штатида дунёга келган. У 1960 йилда Москвада бўлиб ўтган халқаро шарқшунослар анжуманида иштирок этди. Анжумандан сўнг Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳларида бўлиб, асарда тилга олинган жойларни зиёрат қилди.

Бу асар ҳақида батафсил тўхталиш, уни ўқиш истагини сўндириши мумкин, деб ўйлайман. Амир Темур ҳақида анча-мунча асарлар ёзилган. Биз уларнинг қимматини тан олган ҳолда негадир кўпчилик Марсель Брионнинг «Амир Темур» асарини катта қизиқиши билан ўқиганини ҳам айтиб ўтмоқчимиш.

Албатта, «Бобур – йўлбарс» саргузашт асар эмас, тарихий асар. Тили содда, равон, ўқувчини ўзига тортиб туради. Мен асарнинг айрим нуқталаригагина эътиборингизни



тортмоқчиман.

Кўпчилик турк киноижодкорлари томонидан ишланган «Муҳташам юз йил» тарихий сериалини катта қизиқиши билан томошаш килди. Ҳаммани сulton Сулеймон шахси қизиқтириди, десак, ёлғон бўлмайди-ю, аммо маликалар ҳаётине кимни эътиборсиз қолдирма-

«Хумоюннома» фоят қимматли асар бўлиб, Гулбадан Бегим унда бобурийлар сулоласининг шаклланишидан тортиб унинг Ҳиндистондек улкан мамлакатда ўз ҳукмини ўрнатишига қадар бўлган воқеаларни қаламга олган.

гани аниқ. Айнан сарой аёллари ҳаётини оҳанрабо каби ўзига тортиб олди.

Балки янгилашётгандирман, бирок тарихий асарларимизда аёл-қизларга кам эътибор қартилади. Аслида тарихий жарайёнларда уларнинг иштироки, ўрни эркаклардан кам бўлмаган. Буни Захириддин Муҳаммад Бобур ҳаётинида ҳам кўришимиз мумкин.

Тарихдан маълумки, Бобур миরзо 12 ёшида таҳтга ўтирган эди. 12 ёшли ҳукмдор... Азиз ўқувчи, сиз 12 ёшлигинизни қандай эслайсиз? Сиз ҳам ўзингизни мириз Бобур билан таққослаб кўрганими? Ёки 12 ёшли ўғлигинизни?

Ёш ҳукмдор олдида мураккаб синовлар кўп эди. Унга хиёнат қилганилар ҳам талайгина эди. Биргина инсон – донишманд малика, она томондан бувиси Эсондавлат Бегим унга ҳаётининг сўнгига қадар садоқат кўрсатди.

Келинг, «Бобур – йўлбарс»даги бегимлар ҳақида гаплашайлигига.

Айнан улар борлиги учун ҳам бу китобни севиб мутолаа қилсангиз арзиди.

Ўқиймиз: «Эсондавлат Бегим – Бобурнинг бувиси ҳам чақалоқни кўлга олиб, суйиб эркалатди. У катта оқ шол рўмол ўраб олган, лекин юзига чавон тутмаганди, ёнгига кимматбаҳо мўйнадан тикилган сафар чакмонини кийган эди. У саройга кириб кириши билан Андижон маликалари сукут ичида таъзим бажо айладилар. Эсондавлат Бегимнинг ўз эрига бўлган садоқати ва жасорати ҳақида афсоналар тўқилган, шу боис ҳам у Юнусхон измирадиги сарой маликалари ичида энг юкори мартабалиси ҳисобланарди».

Кўхна тарихимизда жасур, донишманд аёллар кўп ўтган. Қани эди, уларнинг жасорати, садоқати акс этган фильmlар ишланса...

Келинг, яна асардан Эсондавлат Бегим ҳақида ўқиймиз: «Юнусхон... сафарга отланганда даштилик кароқчилар исканжисида қолади ва ўша тенгис жангда Эсондавлат Бегим душман қўлига асир тушиб қолади. Уни асир қилган қабила бошлиги маликани ўзининг садоқатли ҳамроҳларига


ИННОВАЦИЯ
 Мақоланинг аудио шаклини тинглаш учун QR-кодини сканер қилинг.

зукко аёл сифатида тавсифлайди. Шунингдек, Бобурнинг опаси Хонзода Бегим, онаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган.

«Бобур – йўлбарс»нинг олтинчи қисмida «Ағон оғача ҳикояси» бор. Ағон оғача юсуфзай ағонларидан қабила бошлиғининг укаси Шоҳ Мансурнинг қизи Биби Муборикадир. Бобур юсуфзай ағонлари қалъасини забт этолмагач, унинг қанчалик мустаҳкамлигини аниқлаш мақсадида қаландар қиёфасида қалья ичига кириб боради. Ўша куни Курбон ҳайти эди. Бобур одамлар орасига кириб, Шоҳ Мансурнинг оиласи билан қизиқади. Ва ўша дақиқада ўтовда бошига аёллар билан гаплашиб ўтирган Шоҳ Мансурнинг қизи Биби Муборика «қаландар»га кўзи тушиб, унга бир парча пишган гўштни нон орасига солиб, хизматкор орқали берип юборди. Қизнинг одоби ҳам чиройига мос эди.

Бобур ўзи истаган маълумотларни олиб, ҳовлидан чиқди ва киз берип юборган нонга ўралган гўштни катта тош остига яшириб қўйди.

Ағонлар қалъасини забт этолмаган Бобур Малик Аҳмадга хат ёзиб, укаси Шоҳ Мансурнинг қизини хотинликка беришларини сўради. Малик Аҳмад бир қатор вожлар билан қизлари йўклигини билдири. Бобур унга битган шоҳона мактубида Шоҳ Мансурнинг ўйида бўлиб қизини кўргани, исботи сифатида у берип юборган нонга ўралган гўштни тош остидан олиб кўришларини айтади.

Нисҳоят, ақа-ука қабила манфаати учун Биби Муборикани Бобурга бердилар. Тарихий маълумотларга қараганда бу жасур малика Бобурнинг барча юришларида унинг ёнида бўлган.

Китобда «Гулбадан Бегимнинг айтганлари» деган кичик қисм бор. Тарихчи Бобур миранонинг қизи Гулбадан ҳақида батафсил гапришга ҳаракат килган. Ҳарольд Ламб муаррих Гулбадан Бегимнинг «Хумоюннома» асарига тўхтаган, изланишлари мобайнида ундан фойдаланганини қайд этган. «Хумоюннома» фоят қимматли асар бўлиб, Гулбадан Бегим унда бобурийлар сулоласининг шаклланишидан тортиб унинг Ҳиндистондек улкан мамлакатда ўз ҳукмини ўрнатишига қадар бўлган воқеаларни қаламга олган.

Азиз ўқувчи, Ҳарольд Ламб нафақат шарқшунос олим, балки биографик асарлар муаллифи ҳамдир. «Бобур – йўлбарс» унинг бир неча ийлилк чуқур изланишлари маҳсулидир. Бу китоб оиласигиз, дўстларингиз учун қадрли совға бўлади. Китоб суратлар билан жуда чиройли ишланган. Жавонингизни яна бир жавоҳир билан бойитиб, оиласигизни мамнун этинг.

Инобат ИБРОХИМОВА,
«Vatanparvar»

СУХБАТ

«МАТБУОТ СИНОВИДАН ЎТГАНЛАР ОАВНИНГ ҲАР ҚАНДАЙ ТУРИДА ФАОЛИЯТ ЙОРИТОЛАДИ»

Миллий армиямиз йилдан-йилга ривожланиб боргани сайн ҳарбий журналистларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўтган ўқув йилидан бошлаб ҳарбий журналистика йўналиши бўйича таълимни йўлга қўйди. Мазкур таълим йўналишига қабул жараёнлари, тест-синов босқичлари ва ўқув машғулотлари кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Шу боис университетнинг ўқув ишлари бўйича проректори Алишер Матёқубов билан сұхбатлашдик.

– Ҳарбий журналистика илк бор алоҳида йўналиш сифатида ташкил этилди. Нима деб ўйлайсиз, университет ҳарбий журналистларга бўлган эҳтиёжни қондира оладими?

– Жаҳон тажрибасига мурожаат қиласидаги бўлсак, ҳарбий соҳа журналистикинг ихтисослашгандан йўналишларидан биро. Фанин умумий журналистикада эмас, балки алоҳида дарслик сифатида ўтиш ва бўлажак ҳарбий журналистларга ушбу йўналишда чукуроқ таълим бериш кўзда тутилган. Бугун барчамиз мамлакат мудофаа тизимидағи ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Бу йўналишда қалам тебришининг ўзиғ ярасна мashaқати ва маъсулити бор. Чунки ҳар қандай журналист ҳарбий мавзууда ёзиб кетолмайди. Бироқ ҳарбий журналистларга доим эҳтиёж бўлган. Ушбу ташаббус ҳарбий журналист кадрларни тайёрлаш билан бирга уларнинг захирасини ҳам шакллантиради.

– Қабул жараёни ҳақида маълумот берсангиз. Пандемия сабаби ўқишига ҳужжат топшириш онлайн тарзда бўялти. Бу йил ҳарбий журналистикага қанча талаба қабул қилинади?

– Қабул жараёнида ўзгаришлар бор. Университет ўзини ўзи молиялаштириш тизимида тўлиқ ўтмоқда. Вазирлар Махкамасининг «Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги низомига мувофиқ, 2019/2020 ўқув йилида ҳарбий журналистика йўналишига 25 нафар талаба қабул қилиниб, уларнинг 5 нафари давлат гранти асосида, 20 нафари шартнома асосида таълим олиши белгиланган эди, аммо соҳага қизиқувчиларни, шунингдек, ҳарбий журналистларга бўлган талабнинг юқорилигини хисобга олиб, кўшимча яна 20 нафар талабани қабул қилдик. Бу йили ҳам 55 нафар талаба шу йўналишда ўқитилиши режалаштирилган.

Пандемия туфайли ўқишига ҳужжат топшириш онлайн шаклда бўлмоқда. Қабул жараёнилари бошланганига кўп вақт бўлмади, аммо шу пайтгача университет миқёсида энг кўп абитуриентлар шу йўналишга топшироқда.

Кириш имтиҳонлари иккى боскичдан: ижодий сұхбат, иншо ҳамда тест синовларидан иборат. Абитуриентлар катта қизиқиш билан ҳужжат топшироқда. Уларни қизиқтирган саволларига масъуль мутахassislar унiverstitetning расмий сайтига



ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали жавоб беряпти.

– Ҳарбий йўналиш бўлганини учун абитуриентлар бошқа олий ҳарбий таълим муассасалари сингари тиббий кўрик ва жисмоний ҳамда касбий-руҳий тайёргарликлардан ўтишлари шартми?

– Ижтимоий тармоқлар ва месенжерлардаги саҳифаларимизга келаётган асосий саволлардан биро – жисмоний тайёргарлик бўйича. Тўғри, бошқа олий ҳарбий таълим муассасаларида бу синовларнинг асосий босқичи ҳисобланади. Аммо журналистика ижодий соҳа эканлиги, шунингдек, гендер тенглигийни хисобга олсақ, жорий йилда жисмоний ва касбий-руҳий тайёргарлик имтиҳонлари бўлмайди. Аммо ҳарбий деганда кўз олдимизга ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом киши келади, шунинг учун келгуси йилдан жисмоний тайёргарлик имтиҳонларига ҳам эътибор қаратишни режа қилганимиз.

– Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим муассасаларирига кириш учун алоҳида имтиёзга эга бўлишиди. Бу имтиёздан фойдаланаётган абитуриентлар ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ҳарбийлари ва унинг оила аъзоларини ижтимоий кўплаб-куватлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари олий таълим ва олий ҳарбий таълим

– Ҳозирги кунда ўқув қўлланмалари оғрикли нуқтамиз. Негаки, ҳарбий журналистика бўйича ўзбек тилида ҳали бирор-бир ўқув қўлланма ишланмаган. Мазкур соҳада журналист кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилганидан бери шу масала устида ишлайпмиз. Экстремал журналистика фани доирасида ўтилган дарслекларни кенгайтириб, янги ўқув дастурларини тайёрлаяпмиз. Миллий журналистикамизда тўплangan тажрибалар асосида ҳамда рус ва украин олимлари томонидан ёзилган илмий адабиётларни таржима қиляпмиз.

Кўп йиллик тажрибага эга профессор-ўқитувчилар ёрдамида сентябрь ойига қадар илк ҳарбий журналистикага оид ўзбек тилидаги иккى илмий қўлланманни чоп этиш режалаштирилган.

– Бўлажак ҳарбий журналистларга кимлар таълим беради? Маҳорат мансалалари ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Жорий йилда университетимизда Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, давлат хавфсизлик хизмати ва Божхона қўмитаси билан ҳамкорликда ушбу тизимларда фаолият юритувчи журналистларга тўрт ойлик малака ошириш курсини ташкил қилдик. Илк битирувчиларни мизга сертификат ва дипломлар топширилди. Малака ошириш курси биз учун тажриба бўлди. Айрим хото-камчиликларимизни билib олдик. Ушбу курсда дарс берган устозларимиз – Алижон Сафаров, Раҳимбоя Жуманиёсов, Хикматулла Пўлатов, Назира Тошпўлатова каби профессор-ўқитувчилар бўлажак талабаларга ҳам сабок беради.

Албатта, «Vatanparvar» Бирлашган таҳририяти биринчи навбатда маҳорат мактабимиз ҳисобланади. Талабалар биринчи босқичдан орни таълимни ўтасиди. Матбуотда синовдан ўтган талабалар, шубҳасиз, ОАВНИНГ ҳар қандай турнида бемалол фаолият юритиб кетолади.

– Университет чет эл таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган экан. Ҳарбий журналистика йўналиши ҳам ҳамкорлик бўйича ҳам ҳамкорлик ташкил қилинадими?

– Ҳарбий журналистика бўйича ҳамкорликни аллақачон йўлга қўйдик. Мустақил давлатлар Ҳамдустлигига аъзо давлатлардан ҳарбий журналистика йўналиши Россия Федерациясининг Москва шаҳридаги Ҳарбий университет ва Воронеж давлат университетида мавжуд. Айнан Москва ҳарбий университети билан ўзаро ҳамкорлик меморандумини туздик. Келажакда талабаларимиз у ерга ўзаро ҳамкорлик доирасида ўқишига юборилиши мумкин.

– Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!



«Vatanparvar» мұхабири
Айжамал ЖОЛДАСБАЕВА
сұхбатлашди.



HARBIY JURNALISTIKA

O'zbekiston Jurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti
Harbiy jurnalistika yo'nalishi talabalari sahifasi

ОНА АЙБДОР(МИ?)

Эрта тонг. Одатимга кўра, қуёш ҳали кўкка қўтарилилмасидан уйондим. Юз-қўлимни юваб, ҷалакни қўлимга олдим-да, кўча томон юрдим. Томорқамизнинг ёнгинасидаги ариқдан сув олиб, кўчага сепа бошладим. Шу вақт тўсатдан ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдим (уйимиз бекатга яқин бўлгандиги сабабли, бундай ҳодисаларга беихтиёр гувоҳ бўлиб қолардик). Бир қараганимда бекатда соддагина кийинган, оёғида эски калиш, ёши чамаси олтмиш-олтмиш бешда бўлган аёл бир аҳволда ўтирган эди. Уни ҳар доимги йўловчилардан деб ўйлаб, сув селишда давом этдим. Бир вақт бекатта башанг кийинган, соч турмаги ўзига ярашиб турган ёшгина жувон келди-да, ўз-ўзидан бояги аёлга бақира кетди:

– Сиз менинг ҳаётимни барбод қилдингиз! Барчасига сиз айбдорсиз!

– Мен сенинг баҳтингни ўйлаганман, жон қизим, – аёл титраб-қақшаб йиғлашга тушди.

– Хеч қачон баҳтими ўйламагансиз! Доим менга ёмонликни раво кўргансиз! Баҳтсиз бўлишимни хоҳлагансиз! – жувон кўлини пахса қилиб онасига ўшқиради.

– Бу нима деганинг, қизим, сени яхши оиласа келиб қилиб, яхши ниятда узатдим. Аллоҳга шукрки, кўёвим эсли-хушли йигит. Битта-

гина қайнонангнинг хизматини қўйлмадингми?

– Ойини, гапирманг уни менга-аа! Сиз уни билмайсиз, у умримнинг эгови! – жувон қизарип-бўғриқиб онасининг ёнига чўқди.

– Мен қайнонангни билмасам ҳам сени жуда яхши биламан, – деди кекса аёл кўз ёшларини артиб. – Сен онани билмайсан, қайнонани билармидинг?


– Ҳа, сизга қизингиздан шулар афзалроқ. Ўзи сиз айбдорсиз. Мени севган йигитимга узатмадингиз! – жувон изиллаб йиғлашга тушди.

– Майли, нима бўлса бўлди. Сен қиз мени қайнонанг, кўёвинг олдида иснодга қўйдинг. Энди даданга нима деймиз?..

Аёллар тортиша-тортиша кўча бўйлаб юриб кетишиди. 10 дақиқа аввал кўзимга нақадар

чиройли бўлиб кўринган жувон шунчалик хунук хулқи билан ихлосимни қайтарганди. Бу қандай фарзандки, ўз баҳтсизлигига онасини айбласа?! Лекин буни баҳтсизлик деб аташга ҳам тилим бормайди. Ўзингиз ўйланг, келин учун қайнонасининг хизматини қилиш, оила катталарига итоат этиш баҳтсизликми?

Машҳура МИРЗАРАҲИМОВА



ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИННИНГ ҚИЁФАСИ

Ҳаётининг мазмунини Ватан химояси деб биладиган, фидокорликни шарафа шон, дея қасамёд қилиб, бу аҳидда собит турганлар, шубҳасиз, ҳарбийлардир. Бугунги кунлар ҳалқимиз бошидаги синовли дамлар эканлигини инобатга олсак, унинг жасорати иштирокчилари орасида қиёфаси янада сақаллашётган ҳарбийларнинг хизматини, заҳматини ҳаммамиз кўриб билиб турибмиз. Уларнинг Ватан олдиаги бурчи, фидокорона хизмати

буғунги синовли кунларда ўз аксими топмоқда.

Постда сергак ва ҳүшёр бўлиб, тинчлигимизни химоя қиласаётган ҳарбийлар ҳақида ўйлаганимда ўзимни гўё рассом қиёфасида кўраман. Уларнинг фидойиликларини ўзгача – ёрқин рангларда тасвирилай бошлайман. Буни қаранг, бетакрор тасвир учун маҳоратли рассом ёки буюк ёзувчи бўлиш

талаф этилмас экан. Шунчаки тасвирилай туриб матонат чизгиларида ҳарбийларимизнинг карантинга олинган ҳудудлар, вилоят ва шаҳар кириб-чиқиш постларидағи назорати, дезинфекция жараёнидаги буғунги замон ҳарбийлари тасвири янада ёрқинлаша бошлади. Улар ҳақида китоб ёзиш учун esa фақатгина пандемиягина асос бўлиб қолмайди. Чунки эътиборимиз

марказида Сардоба воқеала-рида ҳарбийларимиз кўрсатган жонбозликлар ҳам ўрин олган. Энг асосийси нима, биласизми? Энг асосийси, бўлиб ўтган воқеалар катта-ю кичикнинг назарида ҳарбий хизматчи қиёфасини янгитдан кашф этди. Ҳалқ ва армия янада жиспласади. Буни ҳар қанча эътироф этсак арзиди.

Сакина ГУЛМУРОДОВА



— 30 ИЮНЬ – ЁШЛАР КУНИ —

ЖИЗЗАХДА ЭНГ ФАОЛ ВА ЗУККО ГАЗЕТХОН АНИКЛАНДИ

Бундан 28 йил бурун, яни 1992 йилнинг 24 июнь куни Мудофаа вазирлиги марказий матбуот нашри «Vatanparvar» газетасининг илк сони чоп этилган эди. Шу куни йўзбек матбуотида янги ном: ҳарбий либосдаги жанговар сўз – «Vatanparvar» пайдо бўлди.

Ўтган давр мобайнида ҳарбий матбуот – «Vatanparvar» ҳам Куролли Кучларимиз тизимида



амалга оширилган ислоҳотлар билан ҳамқадам бўлиб, ривожланниб борди. Мазмун-мундарижаси бойитилиб, оддий хабарлардан

кўра таҳтил ва мулоҳазага кенг ўрин ажратиди.

«Vatanparvar» газетаси ташкил топганининг 28 йиллиги муноса-

бати билан Жиззах гарнizonидаги ҳарбий қисмлардан бирида «Энг фаол ва зукко газетхон» танлови ўтказили.

Танлов шартига кўра, ҳарбий хизматчилар ўртасида газетанинг 2020 йил давомида чиқсан сонларидаги мақолалар, муаллифлар ҳамда унда илгари сурилган дол зарб масалалар бўйича қизгин ва муросасиз савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ҳарбий хизматчилар бу борада фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзларининг қанчалик газетхон эканликларини намойиш қилди.

Якунда «Энг фаол ва зукко газетхон» сифатида взвод командири майор Даврон Рустамов эътироф этилди.

Марказий ҳарбий округ матбуот хизмати

Ижодий гурухимиз билан медиа-режа бўйича «Ангрен» умумқўшин полигонида белгиланган вазифаларни бажардик. Аммо узоқ йўл босиб келган жойдан албатта, газетанинг навбатдаги сонлари учун яна икки-уч мавзули материал билан қайтмасам, кўнгил тўлмайди. Ҳарбий қисмда икки спортчи ҳарбий билан суҳбатлашдим. Улар ҳақидаги мақолани Ёшлар кунига бағишиладим.

Олимларнинг социологик тадқиқотлари натижасига кўра, инсон 45 ёшдан сўнг дори-дармон, шифохонада ётишга кетадиган сарф-ҳаражатларнинг атиги 5 фозизини ўсмирилик, ёшлик давридаги жисмоний соғломлаштириш ишларига сарфласа, 80-85 ёшгача дард кўрмай ҳаёт кечиришга замон тайёрланар экан. Бундан кўринардик, жиддий хасталикларнинг оддини олишида оддий жисмоний тарбия машҳларини мунтазам бажариб туришнинг аҳамияти катта.

Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Жавлонбек Тўхтасинов 1996 йили Булокбоши туманидаги Бозорхидирбози маҳалласида туғилган. Профессионал спорт оламига илк одими ўқувчилик даврида бошланган. Иштиёқ уни Андижон олимпия захиралари коллежига етаклади. Мазкур ўқув



масканида у малакали мураббий Собиржон Тўлашев раҳбарлигига кикбоксинг сир-синоатларини ўрганди. Коллежни битиргач, Чирчиқ шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўтб қайти. Йигитлик бурчини адо этиш чоғида унинг Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш иштиёқи ортди. Айни пайтда у ҳарбий хизматни контракт асосида давом эттироқда.

Жавлонбек биринчи тоифали (разрядли) спорт устаси, кўп карра комбат-аикido бўйича Ўзбекистон чемпионати, ҳалқаро мусобақалар совриндори саналади. Жумладан, 2019 йили Киргизистонда кикбоксинг бўйича профессионал жанг ўйналишида ўтказилган ҳалқаро турнирда 70 килограмм вазни тоифасида 1-ўринни эгаллади. Ўша йили пойтхатимизда ўтказилган комбат-аикido бўйича

СПОРТ УЛГАЙТИРАДИ, УЛУЧЕЛАЙДИ



мамлакат чемпионатида, жорий йилда эса Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотираига бағишиланган республика II очик турнирида ўз ёш тоифасида голибликни кўлга киритди. Икки йилдирки, Мудофаа вазирлиги қўшиналари разведка бўлинмалари ўртасида кўл жанг бўйича Мудофаа вазирини кубоги учун ўтказилган мусобақада ва Тошкент ҳарбий округи разведка бўлинмалари ўртасида ўтказиб келинаётган армия кўл жанг бўйича беллашувда 65 килограмм вазни тоифасида биринчиликни кўлдан бой бермай келяпти.

Жавлонбек Тўхтасинов Ҳалқаро комбат-аикido ассоциацияси, Универсал жанг федерацияси томонидан ўтказилган мусобақалarda ушбу спорт турларининг нокдаун, пичокли жанг, профессионал жанг сингари йўналишларида 67-70 кг вазни тоифасида кўп маротаба I даражали диплом ва медаллар билан тақдирланган. Ўтган йили Намангандаги бешта давлат ўртасида профессионал жанг бўйича ўтказилган ҳалқаро турнирида ҳам мутлақ голиб бўлди.

Умидли спортчи Жавлонбек Тўхтасинов ўқувчилик кезларида ҳам йирик мусобақаларда рингга чиқкан. Хусусан, 2014 йилдан бўён у кўл жангни ва профессионал жанг йўналишида кўп маротаба Россия Федерацияси кубоги, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилган республика кубоги ҳамда очиқ чемпионатларida ўз маҳоратини намойиш этиб, фақат юкори ўринларга сазовор бўлган.

Хозирда ўш мураббий сифатида у ҳарбий қисмда 18 нафар сафдошига кўл жанг бўйича машгулотлар ўтмоқда. Шундай ўғлонни тарбиялаб vogya етказганидан аввало, унинг ота-онаси фурурга тўлади. Акаси, опаси ва укалари у билан фахрланади.

* * *

Дилмурод Абдурахмонов асли Ўзбекистон туманинг Кенагас маҳалласида туғилиб-ўсан. Ота-онаси Дилмуродин мактабда ўқиб юрган кезларидаёт «Таэквондо-WTF» тўғарагига берган. Бу ерда у иш мураббий Ёркинжон Исимоловдан мукаммал сабоқларни олиб, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз вазни тоифасида фахрли ўрини

ларни ўзгалиди. 2017 йили она Ватан олдидағи йигитлик бурчини адо этиб қайтан ўсмир дадасининг йўлидан бориб, контракт бўйича ҳарбий хизматчи бўлди. Жорий йилда 26 ёшни қаршилаётган қаҳрамонимиз ҳарбий қисмда капитан Алибек Хидировдан армия кўл жангни ва комбат-аикido сирларини пухта ўрганиш барабарида ўзлаштирганларини куролдошларига сабот билан ўргатиб келмоқда.

Табиатан камтарин, камсукум йигитдаги вазминлик ҳам спортчиларга хос. Дилмурод Абдурахмонов – таэквондо бўйича 1-ДАН қора белбог соҳиби. Ҳалқаро комбат-аикido ассоциацияси томонидан турли йилларда ўтказилган мусобақаларда 67-71 килограмм вазни тоифаларида биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган.

– 2009 йили пойтхатимизда ўтказилган Осиё биринчилигига кучли учликтан ўрин олган бўлсам, 2010 йили мамлакат чемпионатида зафар қучдим, – дейди контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Дилмурод Абдурахмонов. – 2013 йили Фарғонада, 2020 йил аввалида Андижонда ташкил этилган чемпионат ва очиқ биринчиликда иккинчи ўринига мунносib кўрилдим. Ҳарбийлар ўтасидаги беллашувлардан ҳам четда колмаяпмиз. Тошкент ҳарбий округи разведка бўлинмалари ўртасида армия кўл жангни бўйича беллашувда голибликни кўлга киритганман. Келгусидаги мақсадим Ватанимиз байргони баланд кўтариб, юртимиз довругини дунёга ёйишга ўз хиссамиз кўшиш.

Жавлонбек ва Дилмурод битта жамоада хизмат қиласи. Уларнинг жисмоний тарбия ва профессионал спорт билан мунтазам шуғуланиши учун ҳарбий қисмда барча шароитлар бадастир. Миктигина йигитларнинг машгулотдаги маҳоратини суратларда кўришингиз мумкин.



Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Vatanparvar»

ТУПРОКДАЙ ХОКИСОР, ТУПРОКДАЙИН УЛУФВОР ҚАЛЬ ЭГАСИ

Пойимиздаги тупроқ қанчалар азиз эканлигини улфайганим сари англаб боряпман. «Элидан айрилган етти йил йиғлар, еридан айрилган ўлгунча йиғлар», деб бежиз айтишмаган доно халқымиз.

Дархакиқат, тириклигимизда бошимиздаги бошпаны, вафот этсан мангу макон, ҳатто овқатланыётган идишимиз, чойнагимиз ҳам шу тупроқдан барпо бўлганини ўйласам, севиниб кетаман. Кўлимдаги нақшинкор пиёлала қараб, беихтиёр кулолларимизга тасасон айтиб, соҳага қизикишим янам ортади.

Асл санъат асарлари юракка етиб бориб, кўнгилларни забт этади. Бугун бу қадимни ва мумтоз йўналишда кўплаб юртдошларимиз фаолият олиб бормоқда. Улар яратган кулолчилик буюмлари бутун дунёга тарқалиб, юртимиз обрусини кўкларга кўтмоқда. Шу ўринда кулолчилик билан боғлик бир мисол ёдимга тушди: Макка шахрида фароналик бир киши оиласи билан яшаб қолганини эшитганман. Бир гал маҳалладошлар «Ота юртдан нима олиб борайлик?» дейишса, юртимиз тупроғидан ясалган биттагина пиёла етади, деган экан. Кейин олиб борилган совғани синдираганини айтишди. Маҳалладошлар ҳайрон бўлиб сабабини сўраши, бу – ота тупроқ, ҳаммага етиши керак, деб ўзига тегиши қисмини ўраб, уйининг тўрига илиб кўйибди. Қолганларини ўзи каби юртимиздан бориб яшаб қолган инсонларга совға

сифатида тарқатиб чиқиби. Орадан неча йиллар ўтмасин, ўша киши учун уйининг тўрида Ватан тупроғидан ясалган пиёла синиги ҳамма нарсадан қадри, ҳеч нарсага алмасиб бўлмайдиган қиммат баҳо меросидир. Бир қараганда арзимас нарсадек туяюлган оддий буюм юртнинг соғинчими босса, не ажаб?

Кулолчилик, амалий санъат соҳаси йилдан-йилга ривожланиб, таомиллашиб бормоқда. Замонамиз кулоллари орасида кизларнинг ҳам кўплиги, айниқса қувонарли.

Шундай кулол қизлардан бири Сарвиноз Тугловадир. Бу қизни яхши биламан. Ҳар заррардан ҳикмат, ҳар жиҳатдан эзгулик қидирадиган бу қизда истеъод үчкунлари кўзга яққол ташланади. У ижоди орқали минглаб кўнгиллардан жой олишга улгурмоқда.

Сарвиноз ҳозирда Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 3-босқичида таҳсил олади. У олийгоҳда билим олиш билан бирга кулолчиликнинг ноананавий йўналишида ижод кильмоқда.

Унинг декоратив, майда пластика, анималистик услубида яратган асарлари нафақат юртимиз, балки хорижий давлат вакиллари кўнглидан ҳам

жой олган. Ёш бўлишига қарамай бир, қатор шогирдлар тарбияламоқда.

«Ватанга қандай таъриф берар эдингиз?» деган саволимизга «Ватанни аниқ сўз билан таърифлай ол-



сирларини ўргатмоқчи.

– Авваллари юртимизнинг тупроғи тиллога тенг дейишса, бу бир ўхшатишдек, улуғлашдек туюларди. Кулолчиликка кириб келиб, юқоридаги сўзниң нақадар тўғри эканлигига гувоҳ бўляпман. Олтин тупроғимизга оғизиа ишлов берилса, гўзал санъат намуналари дунёга келади, – дейди қаҳрамонимиз қувонч билан.

Мен эса у яратган мўъжаз асарларга бокар эканман, келажақдаги орзулари ушалишини тилайман. Юртимизга Сарвиноздек камтар, билимли ёшлар кераг эканлигини хис қиласман.

Шоҳсанам НИШОНОВА

Сўнгти йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш борасида алоҳида ишлар режа асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари кўмондонлиги бўлинмаларида ҳам ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида этибор қаратилид. Айни вактда қўмондонликнинг барча бўлинмаларида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳарбий қисм бошлангич ташкилотлари тузилган бўлиб, маҳоратли етакчилар томонидан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида маданий-маърифий ва ҳуқуқий тарғибот, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий спорт масалалари, «Устоз-шогирд» анъаналари каби жами 4 та йўналиш бўйича кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган.

Капитан Фаррухбек Сотволдиев ҳам ана шундай шижаатли ёшлардан. У ўз хизмат фаолияти билан бир қаторда қўмондонликнинг йўшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти етакчisi ҳамдир.

1993 йил 13 майда Намангандан вилоятининг Чуст туманида таваллуд топган Фаррухбек тумандаги 30-сонли умумтаълим мактабида таҳсил олган. Кейинчалик таҳсилни Чуст шахридан 52-сонли математика ва физикага ихтисоластирилган мактаб интернатида давом эттирган. 2010-2014 йиллар давомида Мудофаа вазирлигига қарашли Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (ҳозирги Қуролли Кучлар академияси)ни аъло баҳолар билан тамомлаган.

2014 йилнинг август ойидан бўён Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тузилмаларидағи хизмати давомида бўлинмаларда тарбиявий ва мағкуравий ишларни ташкил этиш, мавзаний-маърифий машгулотлар ва тадбирларнинг юқори савиядаги ўтказилишида муносаби хисса кўшиб келмоқда. Қаҳрамонимиз ўзининг илгор ғоялари, ташаббускорлиги ва тарғиботчилиги билан ҳам юқори қўмондонликнинг ҳурмати ва эътироғига сазовор бўлган ёшлардан. Ўқитувчилар оиласида таваллуд топгани боис, зиёлилик унинг

ФАОЛ, ИЗЛАНУВЧАН, ТАШАББУСКОР



ҳар бир қадамида, юриш-туришида, сафдошлари билан муомаласида яққол сезилиб турди.

Хизмат фаолияти давомида жанговар ва мавзаний-маърифий тайёргарликда эришган натижалари учун бир неча маротаба рағбатлантирилган. У Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган «Энг яхши китобхон», «Лейтенантлар сардори», «Менинг шажарам» каби қатор кўрик-танловларда ҳам муносиб ўринларни кўлга киритди.

Шижаатли ўғлон ёшларни она юртга садоқат ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга кўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашин раисининг қарорига асосан 2018 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Эътиборлиси, қўмондонликнинг Фаррухбек бошчилигидаги йўшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти фаоллари худуддаги мактаб ва маҳалларнинг ўқувчи ёшлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шунингдек, қаҳрамонимиз Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг худудий кенгашлари ҳамкорлигидага таълим муассасалари раҳбарлари ва маҳалла раислари билан ижтимоий ҳимояга мұхтож ёшлар

холидан хабар олиб, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, муаммоларини ҳал қилиш, уларга имкон қадар моддий ва мавзаний кўмак бериш ишларидаги фоал.

– Қўмондонликнинг «Устоз-шогирд» анъанаси яхши йўлга қўйилган, – дейди қўмондонликнинг тарбиявий ва мағкуравий ишлар бошқармаси бошлиғи подполковник Ислом Орзуқулов. – Фаррухбек муддатли ва контракт бўйича хизматга янги келган ёш ҳарбий хизматчиларни касб

мутахассислиги ва замонавий ҳарбий техника сир-асрорларини пухта эгаллашида, уларнинг ташаббусларини, интеллектуал ва ижодий саъохитини рўёбга чиқаришда ҳам ўз билим ва кўнижмаларини аямайди.

У билимга чанқоилиги, изланувчан ва зукколи-тифайли ўз устида тинимиз ишлайди, касбий малакаси оширишга ва эгаллаган билимларини амалиётга самарали татбиқ этишга ҳаракат қиласми. Қаҳрамонимиз айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқарув академиясининг малака ошириш курсида таҳсил олмоқда.

Бундай фаол ва ташаббускор ҳарбий хизматчилар миллий армиямиз сафларида жуда кўп. Энг муҳими, уларнинг мақсади муштарак, бу бўлса, онон Ватанни муносиб ҳимоя қилиш, халқимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида бор куч ва билимни сафарбар этиш.

**Капитан Фарида БОБОЖОНОВА,
Мудофаа вазирлиги
Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги
матбуот хизмати бошлиғи**

ХАРБИЙ СУЛОЛА

Инсон ҳаётида қувончли воқеалар кўп. Албатта, уларнинг энг шукухлиси ҳаётимиз чироги, умр йўлларимиз давомчиси бўлган фарзандларимиз билан боғлиқ. Ҳа, фарзанднинг дунёга келиши ота-она учун қанчалик фараҳбахш бўлса, унинг улғайиш пиллапояларидан юқори lab бориши, улкан ютуқларга эришиши ҳам шунчалар завқли. Бўйи бўйига тенглашган, юз-кўзларидан навқиронлик уфуриб турган фарзанднинг ҳаётда эришаётган ҳар бир муваффақияти унинг келажаги учун тамал тоши бўлишини ҳис қилаётган ота-оналар дунёдаги энг баҳтиёр инсонлардир.

Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида истиқомат қилиб келаётган Толиб ака ва Насиба оға Омоновлар ҳам бугун фарзандлари туфайли ана шундай баҳтга эришган инсонлар. Уларга маҳалладаги катта-ю кичик – ҳамма ҳавас қиласди, улар каби бўлишига интилади. Чунки бу инсонлар вояга етказган фарзандларидан З нафари бугун ҳарбий хизматчи!

Одатда бирор оила ҳақида галирилганда, энг аввали, унинг устуни бўлган оталар тилга олинади. Уларнинг фарзанд тарбиясидаги меҳнати ётироф этилади. Мен бу сафар мазкур аънвандан бироз чекинган ҳолда дастлаб оила бекаси, мўътабар она, жаннати аёл – Насиба оға ҳақида галиришини лозим топдим. Бундан Толиб ака хафа бўлмайди, деб ўйлаймиз. Нега дейсизми? Бу саволга жавобни кўйидан топасиз.

«Тўнғичим – суюнган тофимиз»

У дунёга келганда ота-онаси ризқли, насибали бўлсин, деб Насиба исмини қўйдилар. Туғилибоқ яқинларига бир олам қувонч улашган қизалоқ балоғатга етган сари меҳрибонлиги, хушумомалалиги билан атрофдагиларнинг ҳам муҳаббатини қозонди. «Уни келин қиссанам баҳти кулади», деб алқарди кайвонилар. «Қанини Насиба опамга ўхшасди», дейшиарди қишлоқдаги ёш кизлар. Йиллар ўтиб, Насиба ҳам ойдай келин бўлди. У келин бўлиб тушган оила ажойиб эди. Қайнонаси шунчалар яхши эдики, келинини кафтида кўттарди. Қайнатаси ширинсўз, турмуш ўртоғи эса меҳрибон. Насиба аслида шундай баҳтни орзу қилганди. Келинчак бунинг учун тақдиридан жуда жуда миннатдор эди...

...Ушанда беш ойлик келинчак эди. Оила бошига оғир кулфат тушди – қайнопаси оламдан ўти! Бу айрилик марҳуманинг яқинлари учун оғир жудолик бўлди. Айниқса, ота-онаси ёмон кўйди. Энг ачинарлиси, тўрт ойлик гўдак – Элёрбек етим қолган эди. Энди унга ким фамхўрлик қиласди? Ким уни ўз онасадай парваришлайди? Марҳуманинг мавзакалар ўтгандан сўнг шу масалани муҳокама қилиш учун қариндош-уруғлар уларнингга йигилишиди. Маслаҳат берувчилар кўп бўлди. Лекин ҳеч ким болани бағрига олишини истамасди. Кимдир «гўдакни Мехрибонлик уйига бериш керак», деди ҳатто.

Бу гап-сўзларни бир четда кузатиб ўтирган Насиба охирни чидолмади. Шарт ўрнидан туриб:

– Гўдакни мен олай, – деди ялинчоқ овозда.

Даврада ўтирганлар илкис бош кўтариб, ҳайрат билан овоз келган томонга қарадилар. «Ие, бунинг ўзи ҳали гўдак-ку!» деди ўтирганлардан бири (чунки бу пайтада Насиба эндиғина ўн еттини ҳатлаб ўн саккизга ўтганди). Бу гапни ўзича тушунган келинчак нажот истаб,

ИБРАТЛИ ОИЛАННИГ ФАРЗАНДЛАРИ

қайнона-қайнотасига қаради.

– Энажон, хўп дэнг, мен эплайман. Болаларни жуда яхши кўраман. Уйда укаларимни ўзим кўтариб катта қилгандман. Йиглатмайман, касал килмайман, – деди кўзларига ёш тўлиб.

Кимдир у деди, кимдир бу. Хуллас, болани Насибага беришди. Келинчак юраги ҳатприқиб, ўзгача меҳр билан гўдакни бағрига олди. У шу куни илк бор ОНАлик баҳтини тўйди!

– Бошида бироз кўйналгандман, – деди Насиба опа ўша кунларни хотирлар экан. – Чунки у вақтларда бир марталик тагликлар йўқ эди. Қийинчилек айниқса, қишида билинарди. Чироқ ўчиб қоларди. Коронигда кечаси туриб, сут иситиб бериш, тагликларни тез-тез алмаштириб ювиши керак. Лекин ҳечам малолланмагандман. Қаранг, ростдан бола эканман-да, болам йигласа, нега йигляпти, деб қўшили йиглардим, кулса кулардим. Орадан бир ярим йил ўтиб, ўзим ҳам ўғилли бўлдим: Бегзод туғилди. Шундаям Элёрдан меҳрим узилмади. Чунки у менинг тўнғич фарзандим. Кейин бирин-кетин яна уч ўғилли бўлдик. Уларга Бунёд, Анвар ва Дилмурод деб исм кўйдик. Укаларини катта қилишда Элёр ҳар доим менга кўмакчи бўлди. Мен бир умр

ишончини ёруғ юз билан оқлашга ишонаман, – деди оила бошлиғи Толибжон ака. – Бугун уч невараванинг буви-бобосимиз. Анваримни яқин кунларда уйлантирамиз. Мен бир нарсадан хурсандманки, ҳамма фарзандим эсли-хушли, ақли бўлиб улғайди. Китобга, билим олишга меҳр қўиди. Мактабда ҳам яхши ўқишиди. Устозларидан улар ҳақида ҳеч бир ёмон гап эшитмаганмиз. Шунисига шукур, дейман.

– Кайси фарзандингизда ўзингизнинг характеристикинга хос жиҳатларни кўрасиз?

– Балким гапларимга ишонмассиз, лекин ҳаммамизнинг характеристикимиз ўхшаш, – деди Толиб ака жилмайиб. – Мен табиатан оғир-босиқман. Бирор нарсадан жаҳлим чиқсаям, атрофимдагиларга билдирамайман. Китоб ўқишини яхши кўраман. Ҳатто мактабни



Элёрманинг кўнглини ўкситмасликка интилдим. Унга бор меҳримизни бердик. Бугун эса у бизга ғамхўр. Бошка ўғилларим ҳам акаларидан ўрнек олишади-да, доим дадаси ва менинг кўнглигинга карайди, авайлади. Бунинг учун Аллоҳга беадад шукур, дейман.

Камолот пиллапоялари

Вақтлар ўтиб, фарзандлар улғайди. Элёр ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланади. Бегзод эса ҳарбий хизматчи. У айни кезда Термиз шахрида хизмат килипти. Бунёд эса Тошкент ахборот технологиялари университетида таҳсил олган. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура хуздидаги Мажбурий ижро бюроси Сирдарё вилояти Сардоба тумани бўлим бошлиги ўринбосари лазовизимида фаoliyati юритади. Анваржон ҳам Ватан посбони. У Ички ишлар академиясини тамомлаган. Айна вақтда Сирдарё вилояти Сардоба тумани ички ишлар бўлими хузуридаги тергов гурӯҳи терговчиси лазовизимида ишлайди. Оиланинг кенжаси – Дилмуроджон эса Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юртнинг иккинчи курс курсанти. Хуллас, фарзандларнинг ҳаммаси эл-юрт хизматиди. Бундан ота-онанинг кўкси тоб.

– Улар албатта, бизнинг ва Ватанимизнинг

кумуш медаль билан тамомлагандман. Лекин олий маълумоти бўлолмадим. Мана шу орзум армонга айланди. Чунки оилавий шароитимиз кўтармаган. Кейин хайдовчилик курсида таҳсил олдим. Бир умр шу касб ортида оила боқдим. Мен нимадан хурсанд бўлмани, биласизми? Фарзандларимнинг уч нафари ҳаётини Ватан ҳимоясига бағишлаганидан хурсанд бўлмани. Ахир мукаддас китобларда Ватан ҳимояси – муқаддас ва шарафли эканлиги бежиз бот-бот таъкидланмаган. Шунинг учун ҳам Ватан деган инсон ҳеч қаҷон кам бўлмайди. Ўғилларим ҳам ўзлари танлаган қасбни шараф деб билишди. Уларга тилагим, шарафли касбда доим шарафлилар сафида бўлиш насиб қиласин! Улар учун биз дуодамиз.

Суҳбат чигида фарзандларнинг қизиқишилари, келажак орзупари билан ҳам қизиқидик. «Мен китоб ўқишини ва йигишни яхши кўраман. Каттагина оилавий кутубхона ташкил қилгандман», деди Бунёдбек. «Бўш вақтларимда спорт билан шуғулланаман. Орзум – ўз соҳамнинг етук мутахассиси бўлиш. Бу йўлда ҳали кўп ўқиб-ўрганишим, тажриба ортиришим керак», деди Анваржон терговчиларга хос босиқлик билан. «Мен моҳир учувчи бўлмани! Бу менинг болалик орзум. Ҳозир бор дикқат-этиబоримни фақат билим олиши қаратяпман», деди Дилмурод кўзлари ёниб.


Ҳа, мардлик, фидойилик, садоқат ҳам гўзал тарбия билан кўнгилга сингади, дейишади. Шунинг учун бўлса керак сұхбатдошларимизнинг интилишлари эзгули ила қоришиц. Энг асосийси, қалби бир олам орзу-мақсадларга тўла бу ўғлонларда уларни рўбэга чиқаришга қодир гайрате шижоат ҳам бор. Зоро, мақсад ва интилиш бу натижага демакдир.

Майор Гулнора Ҳожимуродова

ОИЛА ГУЛШАНИ

Оила парокандаликка юз тутди, эр-хотин ажрашишга қарор қилди, бу низони тұхтатиш мушкул... Бу ҳақда ёзиш эса қийин. Негаки, үзганинг оиласи, үзганинг муаммоси, үзига хос сир-асори Бироқ ёзиш керак, оиланы асрапаш учун бонг уриш керак. Чунки замонавий оила әгаларининг ажрашиши нафақат жамият, балки миллат учун фожия демак.

Асрлар давомида мұқаддас саналған бу күргөн халқимизнинг маңынавиіттік мәндерінен көрсетілген. Аның тарихи маңыздылығынан және мәдениеттегі маңызынан көрсетілген. Аның тарихи маңыздылығынан және мәдениеттегі маңызынан көрсетілген.



Бугун эса замонамиз чиройли, ҳеч нарсага мұхтожлик ійк, ҳаракат қыл, яша, ишла, баҳтингни ярат. Бироқ ёш оиласап ҳәётнинг арзимас зарбасига бардош беролмасдан бер неча йил, ҳатто бир неча ой яшаб, ажрашишга қарор қылаётгани инсон қалбини ларзага солади. Бу не ҳол?! Бир дугонама ўқпаси түлиб нолиб қолди:

- Иккинчи ўғлым қўнгил кўйган қизи билан етти йил севишиб юрди. Мен ҳам, отаси ҳам қарши бўлмадик, бир-бирини синовдан ўтказганига нима етсинг. Қиз ҳам, бўлажак кудалар ҳам бизга маъкул келди. У томоннинг фикри ҳам шундай. Иккиси ҳам олийгоҳни тутатиб, ишга жойлашди. Катта тўюн тантаналар билан икки ёшнинг орзусини юзага чиқардик. Бирок кўп ўтмай ўғлим билан келиним ўртасида келишмовчилик юзага чиқа бошлади. Бу орада эзим бедаво дард сабаб оламдан ўтди...

— Үзүнгизиң күлгө олинг, акамнин охиратларды обод бүлсін. Синовли дүнегеганлари шу-да, хали хаммасы яхши бүләди, — күзіда ёш билан сүзинін давом эттира олмай жим қолған дугонамга малхама бұла оладиган сүз излайман.

— Билмадим, бу ёғи нима бўларкан? Шунча йил севишиб юрган ўглим билан келиним оила қурганига бир йил бўлмай бир-балкин кўяррага кўзига йўқ, ажрашмоқчи. Келиним балки мен билан бирга туришни истамас, деган ўйда, уларнинг алоҳидаги яшашига рози бўлдим. Аммо мұносабатларида ўзгариш бўлмади. Насиҳатлар, ўйтлар – ҳаммаси бесамар кетди...

Бизнинг ҳаётимизда нима ўзгарди, ажрашишунчак осон бўлдими? Бунга сабаб бўлган нарса шунчалар жиддийми, нахот имконийат колмаган? Ёки бизнинг хиссиятга берилишимиз, беписандли-

гимиз, келажакни ўйламай, кимдан ким зўр чиқиши жангида ким ғолиб чиқади, деб шармандалини кўчасига кириш соғлигимиз, обрўйимизга путуртишига азрийдими? Бу холат фарзандлар ҳаётига қандай таъсир қиласи, қандай оқибатларга олиб келади?

Статистик маълумотларга кўра, ажрашишнинг асосий сабабларидан бири ичкилик ва учинчи шахснинг аралашуви, яъни хиёнат. Бунинг негизи-

Айнің, қыз болалар отаны күпшөрек яхши күра-
ди, унга сүянишни истайди. Ҳадису шариғларда
айтилишича, ойлада туғилған ҳар бир қыз ота-она
учун дүзах оловидан парда бўлар экан. Шундай
экан, азиз отажонлар, нега бу нозик гулларни
ҳаётлигига дўзахга рўбарў қиляпсиз, тушкун,
умидсиз, одамови ёхуд кўпол, тил-жагли бўлиб
улғайишларига замин яратапсиз? Бундай ҳолда
қандай оналарни - миллат тарбиячиларини ўсти-
рамиз, тасаввур қиляпсизми? Иккинчи томондан,
отасиз ўрган қыズни кўп хонадонлар ҳавас қиль-
майди. Бу билан фарзандингиз баҳтига ҳам болта
урган бўласиз. Эрини ортга қайтара олмаган аёл
эса минг ҳаракат қилимасин, отанинг ўрнини бо-
сиши кийин.

Азиз аёллар! Танганинг икки томони бор, деган-ларидек, инсон ўзини баҳтли ҳис қўйган жойдан камдан-кам ҳолларда воз кечади. Агар эрингиз кетиши қарорини қабул қўйлан бўлса, демак, сизнинг ҳамкорликдаги ҳаётингизда нимадир уни қониктиргмаган.

АЖРАШИШГА ШОШИЛМАНГ!

да эса йигит ва қызниң оиласын ҳәєттә тайёр эмас-
лиги, сабр ва қаноатнинг, шукроналик түйғусинин
йүқлигидир. Бундай күнгилсиз холатларни ҳарбий
хизматчиларнинг ҳәєтида ҳам кузатиш мүмкін.

Мухлиса уч-түрт кундан бүён ўзини құлға олиш-
га ҳаракат килади, эрини зымдан күзатади. Ҳам-
масига ўша кунги телефон құнғирого сабаб. Унин-
шында бошқа аәл бўлганида, балки аллақаочон эри-
 билан сен-менга борган бўларди. Ҳатто кўч-кўро-
нини йиғиширишга тушард. Лекин оғир-вазмини
Мафтуна бундай кильмади. Эри билан гаплашиш-
га фурсат кутди, енгилтак бир аёлни деб ширин-
рўэзорини жанжал домига тортиши истамади.
Ширидан-шакар ўғил-қизлар учун ҳам оиласини
асраши даркор. Хотинига ва болаларига совуқкон
йигитнинг эса парвойи фалак.

- Дадаси, кейинги пайтларда жуда күп навбатчиликда қоялысиз. Ёки хизматдан кеч қайтасиз, болалар ухлаб қолған бүләди, - ярим тунда хизматдан қайттан өрігі дилида туғилиб турғандардін ёрди Мафтуна. - Ойлага, болалар ингиз-га вакт ажратсанғыз, яхши бўларди, улар сизни соғининг коляпти.

- Намунча дийдіе құлмасаңг, - әнсаси қотди Мұхторбекнинг. - Сенларни деб туны күн хиз-матдаман. Вазифам қай даражада масъулиятли экзекуция биласан, буны болалар ҳам ёшлиғидан тушуниб бориши керак.

- Малика исмли аёл телефон қылғанди.
- Малика... қанақа Малика? Мен... мен хеч қандай Маликаны танимайман, - дөвдирады Ыйгит.

- Сизга ишонаман, күчадаги қандайдыр бир аёлда бизни асло алмаштирымайсиз...

борар, оиласи унинг ягона баҳти эканини ҳисоб килиб турарди...

Уч нафар фарзанди бор эркак оиласидан воз кечиб, қыз болага уйланаётганини суюнчилаб, дунёга жар солаётганини нима дейсиз? Ундаги оталик меҳри, орият, виждан қаерга йўқодилим. Ота-боболаримиз ноннинг увоги ерга тушса уволов бўлади, деб ўқтирган. Уч нафар норасидани тирик етим қилган отани уларни арасотада ташлаб кеттагани учун увоти тутмайдими? Гўдакларнинг бу увоти шафқатсиз оталарнинг умри заволига аллануб, ҳавоий орзу-ҳавасларига нуқта кўймайдими?

Тирик етимлар - болалигидан эрта айрилган айбиз гунонжкорларнинг келажаги-чи? Уларнинг саломатлигидаги психологияк жароҳат, нософлом мухитда ўсиш тақдирни, энг яччалиси, бунинг натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноят-чиликнинг ўсиши, иктиомий хавфли шахсларга айланисига нима дейсиз? Буларни ажримларнинг курбонлари, десак арзидай.

Оддий ҳақиқат шуки – қайтаришдан күра ушлаб қолиш осонроқ. Қайтариб олгандан сүнг ушлаб қолиш эса ҳамиша мұраккаб. Шундай вазият өзага келса, оиласы сақлаб қолиш, уни мұстахамлаш учын албатта, үтмисиңиң безовта қылмаслик, ҳадеб айбини өзүрге солмаслик, танқиддан үйирек, кечиримли бўлиш, бир-бирига эътиборли ва шукр килишини унутмаслик лозим. Оиланғиз – ўзингиз ва болаларнинг баҳтини асраб қолишина истасанғиз, ажрашишга шошилманг! Ўзингизни ўзгартыришга ҳаракат қилинг. Мехр улашинг, шунда, албатта, меҳр кўрасиз.

Қуролли Күчлар хизматчысы
Тамара МАМАНОВА,
ЖФМХО етакчи мутахассиси

ОИЛА - ВАТАННИНГ ЮРАГИ

Оила – Ватаннинг кичин бўлаги,
Оила – Ватаннинг қайноқ юраги.
Унда камол топар қодир зурриёт,
Миллат келажаги бўлади бунёд.
Она ўрт иқболи, истиқболи – у,
Маънавий комиллик пойдевор – у.

*Оила – инсоннинг шаъни, гурури,
Бахт сўзин барагла айтмоқ сурори.
Мұхаббат күшкіда қад ростласа гар,
Сабру садоқат-ла бўлар мунаввар.
Дил ҳаловат топар нур кошона – у,
Ватан асралгуси ганж остона – у.*

Оила - тенги йүқ улуғ саодат,
Бағрига зиёдир меҳру саховат.
Қадру оқибатни тутар қафтида,
Покомон насллар унар тафтида.
Ҳассос табиатнинг тох инъоми - у,
Қадим қадриялар бардавоми - у.

**Оила – сарбаланд орзулар шахри,
Тарбия ўчоги, комиллик баҳри.
Шаъни Ватан қадар азиз, улугвор,
Хиёнат пойида топмасин завол.
Кифтингда пок аспа, баҳт гавҳари –у,
Инсонга омонат Ҳак назари –у.**

Зулфия ЮНУСОВА

оғоҳлик

РУХИЙ ҚАРАМЛИК СИНДРОМИ

Гиёхванд моддалар инсоният ҳаётига таҳдид солаётган энг катта хавфлардан бириди. Чунки гиёхванд моддаларини сурункали равишда истемол қилиш оқибатида унга рухий ва жисмоний қарам бўлиб қолиш, қабул қилиш тўхтатилганда, хумор ҳолати ривожланиши билан характерланадиган касаллик саналади.

Наркотиклар организмга таъсир қилиш хусусиятига кўра турлича бўлади. Тинчлантируви ва ухлатувчи (опий), стимулловчи (эфедрин, фенамин) ҳамда рухиятга таъсир этувчи препаратлар шулар жумласидандир. Улар келиб чиқиши – биологик, кимёвий ва ўсимликлардан олинганига қараб ҳам фарқланади. Аммо наркоманиянинг ҳамма турларида тез кўниши, рухий ва жисмоний қарамалик ҳамда хумор синдроми ривожланади. Наркотик моддаларга хумор синдромининг ривожланиши биринчи галда инсон тарбияси, наркотик модда тури ва уни қабул қилиш вақтининг оралигига боғлиқ. Наркомания аввалимбор иродаси суст, тарбияси қониқарсиз, қатъиятда турғун бўймаган, турмуш қўйинчиликларига мослашиши қўйин бўлган шахсларда келиб чиқади. Наркотик моддаларга қарамалик олдин 2-3 ҳафтада пайдо бўлган, ҳозир эса синтетик наркотик моддаларга қарамалик иккита инъекциядан сўнг ривожланяпти.

Наркотик модда кониқиши, эйфория ҳолатини келтириб чиқариши сабабли наркоманлар нокуляй ҳолатдан чиқиш учун ўша оғуни тез-тез қабул қиласидилар. Жисмоний қарамаликда наркоман оғуга енгил бўлмас дараҷада мойил бўладики, ҳатто унга етишиш учун ейиш-ичишдан боштортиб, барча ҳатти-ҳаракатини наркотик модда топишга қаратади. Бундай моддалар шахс рухиятни ўзгартиради, яъни яхши кайфият, фаол,



тўхтосиз, сабабсиз кулги, сергаплик, агрессия ҳолати юзага келади. Ташки таъсирлар, тартибиға чақиришларга эътиборсиз бўлади. Баъзи гиёхванд моддалар эса мияни тормозлаб қўяди, кўркув ёшитув галлюцинацияларини чиқиради.

Абстиненция, яъни хумор синдроми барча наркотик моддаларга хос, яъни уни қабул қилиш тўхтагандан сўнг 1-2 сутка ўтиб бошланади. Бемор безовтланади, бутун танасида оғриқ пайдо бўлади, уйқусизлик, кўнгил айниши, қайт қилиш, ич кетиши, артеериал қон босимининг ошиши, иштака пасайши ёки йўқолиши, озиб кетиш кузатилади.

Барча наркоманларда ички орғанлар касалликлари учрайди. Беморлар ўз тенгдошларига қараганда кексарок кўринади, териси сарғимтил

ёки кўкимтир тусга киради. Соч ва тишлари тўклиди. Оғуни узоқ вақт қабул қилиш натижасида шахс ўз одамийлик қиёфасини йўқотади, фақат ўзини ўйлади, атрофга, ҳатто ўз яқинларiga ҳам бефарқ бўлиб қолади. Интеллектуал салоҳияти сусайиб, жинонай ишларга кўл уришдан тап тортмайди. Наркоманлар узоқ умр кўрмайди, асосан юрак-кон томир этишомвиллигидан вафот етади. Наркоманлар ОИВ ва юкумли гепатитларнинг асосий ташувчилари ва тарқатувчилари хисобланади.

Наша турли давлат ва элатларда турлича номланади: анаша, банг, хуррус, черес, кафур, план, дуръ, марихуана ва ҳоказо. Наша қабул қилингач, оғиз қуриши, чанқоқлик, очлик белгилари билан бошланади, секин-аста бутун танада иссиқлик пайдо бўлади. Нашаванднинг кайфияти чоғланиб, ўйнинг тушгиси, сакрагиси келади, атрофагиларнинг хатти-ҳаракати унга тўхтосиз кулги чиқиради, бир жойда узоқ вақт тира олмайди. Сўзларни охиригача талафуз қила олмайди, борган сари атрофагилар билан мулоқотни узади. Хәёлидан турфа иллюзия ва фантазиялар ўтади.

Нашавандликда қарамалик, ақлий заифлик, шизофрения, миокардиодистрофия, турли гепатит касалликларини келтириб чиқаради. Кўнкори препаратлари табиатда сомонча, яъни унинг майдаланган пояси, барги, кураги ҳом ашё ҳолида учрайди. Асосан

у томирга, кам ҳолларда тери остига инъекция қилинади ёки чекилади, хидланади, ичилади.

Организмга таъсири юзи қизарishi, кўз қорачиқлari торайши, оғиз куриши, хотира сусайишида кузатилади. Ҳаракат активлиги тормозланади. Сўнг bemor ҳолсиз, кам ҳаракат бўлиб, кўл ва оёқлари оғирлашади. Инъекциядан олдинги ҳаракат ва истаскал йўқолиб, ёлгиз қолишини хоҳлади. Сўнгра онгидга турли фантастик ҳаёллар пайдо бўлади. Бирор ходиса ёки воқеани гапирсангиз, «Мен ҳақимда гап кетяпти», деб тушинаади. Бу даврдаги ўйку юзаки бўлиб, енгил таъсирлар ҳам ўйғотиб юборади. Ўйку 2-3 соат давом етади. Бемор ўзини нокуляй ҳис қиласи, бош оғридан безовтланади, хотиржамлиги йўқолади, кўнгли айниши, қайт қилиши мумкин, кўл ва оёқлари, тили, қовоқларида титроқлар кузатилади.

Дозанинг кўпайиш оқибати жуда аянчили. Наша чекканди, ақли заифликка ўхшаш белгилар ривожланса, кўнкори бирикмалари таъсиридан сўнг келиб чиқсан ўйку кома ҳолатига ўтади. Ўлим ҳолати нафас марказининг зарарланишидан келиб чиқади. Наша чекканди эса юрак-кон томир этишомвиллигидан келиб чиқади.

Вена қон томирлари кўплаб инъекциялардан чандиллашади. Ошқозон-ичак тизимида гастрит, яра ва корин соҳасида қабзият бўлади. Жигар ва юрак тизимида деструктив ўзғарашлар юз беради. Зотилжам, гепатит, ОИТС, буйрак ва асад салликлари авҳ олади. Шундай экан, гиёхчандликнинг оғир оқибатларидан огоҳ бўлиб, қинғир кўчага кириб қолишдан сакланиш айни мудда бўлади.

**Подполковник А. ЭРГАШЕВ,
Фавқулодда вазиятлар
академияси катта ўқитувчиси**

РОБИТА

Мудофаа вазирлигининг расмий телеграм канали mudofaa.uz ва газетамизнинг телеграмдаги расмий канали бўлмиш mv_vatanparvar.uz шунингдек, барча ҳарбий округларнинг телеграм каналлари орқали ижтимоий сўровнома ўзлон қилган эдик. Унда, жумладан, шундай дейилган эди:



Jun 09, 06:00

Газета тасвири санъат билан уйғун хода чоп этилшин айниқса, максадга мувоғин. Ҳисоблардаги график ишлар дарори бир хил. Бу берада ҳам малокали рассомларнинг аспарлардан фойдаланиш мумкин

id: 1

XALQAR

Jun 09

Ushanga bir ochiq telegram bormi

vatanparvar gazetasiga ijodiy ishlarimizni junatib turasak

de

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълими билан ёритилса, ҳарбийларнинг дунёнориниёнинг конграби боришига айланман

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga ayланman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

vatanparvarnik mawzuulari жуда кам.

Газета бу имконини кулдан бой берасадан, Бадий академия билан ҳамкорликда ишлоса, балки газета бехонасида ҳарбий мавzuulardagi ренгтасириш ва график аспарлар кулагир эдим. Ха ҳафтада кем бўлмас, битта vatanparvarnik мавzuusidagi аспарнинг фотоси балом таълиmi билan ёritilsa, ҳarбийlарnинг dунёnorinиёнинг kongribi borishiga aylanman

de

My Photo

Jun 09

Rassomlarni misalida xabar

КИТОБХОНЛИК**Жўра ФОЗИЛ**

Иккичи жаҳон урушидаги Галабанинг 75 йиллиги муносабати билан Республика Мавнавият ва матрифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати ҳамкорлигига «Галаба-75» танлови зълон қилинган эди.

Ушбу танловда ёзувчи Жўра Фозил ўзининг «Уруш ҳикоялари» туркуми билан иштирок этди.

Туркумдан ўрин олган «Урушнинг сўнгги эртаги» ҳикояси «Энг яхши насрый асар» номинациясида голиб деб топилиб, 1-ўринни эгаллади.

Ёзувчи Жўра ФОЗИЛ (Жўра Ваҳобовиҷ Фозилов) 1949 йил 5 октябрда Бухоро вилояти Ромитан туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) Журналистика факультетини тутагтан.

**Мунча ширин, мунча ширин,
унча ширин-ей,
Ўзга боғнинг олмаси.**

(Халқ оғзаки ижодидан)

Ойдинкўл – шу номли кўл, унга туташиб кетган исми-жисмига монанд сўлим қишлоқ. Мен ҳикоя қилмоқчи бўлган муҳаббат кўшифи шу қишлоқда туғилди.

Ойдинкўл баҳори... Бу қишлоқда табиатнинг ушбу мўъжизаси Бухоронинг бошқа қишлоқларидан анча фарқ қиласди, янада гўзалроп, десам, муболага деб ўйламанг.

Кўл куриб қолаётган бўлса-да, унинг номидаги қишлоқ фоят сўлим, баҳаво.

Қийғос гуллаган дарахтлардан тарағлан ифор кўклиам эпкинига кўшилиб, ҳатто ошиқ бўлмаган юракларни ҳам ҳаприқтиради, бошларни гир-гир айлантиради. Ана шундай сехргар бу маскан баҳори!

60 ёшларни коралаб қолган Маҳтоб буви ўзининг кенг чорбогини ёқалаб ўтган ариқ бўйида ялпиз хидларидан сархушдек туриб баҳор чечакларидан кўз узолмаётган бўлса-да, унинг фикру хаёли олис ҳангъохларда жон олиб-жон берәтаётган ўғли Мансурондо эди. Ана эрта тондан кеч шомгача йўл пойлар, доимо лант очик бўладиган дарвоза томонидан «тиқ» этган товуш эштилса, юраги бир қалиқ тушарди.

Чорбоғдаги ўрик, шафтоти, олма ва гилос дарахтлари бирин-кетин 14 кунлик ой, тўғрироғи, янги келинчақдек ясандилар, гул очдилар. Атру ифор таратиб, ороландилар, ана шундай кунларнинг биррида ярим чоҳоҳ маҳали қишлоққа қиравериша от кўшилган 3-4 та бричка (арава) кўринди-ю, шитоб билан Маҳтоб бувиларнинг уйи томон келаверди. Буви қаттиқ ҳаяжонга тушди, ўслим келапти, дея ўйлаб, сарпоҷан дарвоза ёнига югуриб чиқди. Она бирдан ўзининг яланг оёкларига кўзи тушгача, «Иби, ман ўлай!» деганича югуриб бориб, калишини кийб келди.

Худди шу аснода аравалар бирин-кетин етиб келишадар, дарвоза ёнида тўхтадилар. Қишлоқ йўлида кўтарилган чанг бироз босилгач, чарм камзул, чарм қалпок кийган 3-4 киши хонадон эгасига рўйбарў бўлишида.

Салом-алик, кисқача сўзлашувдан сўнг ҳаммалари чорбог томонга ўтиб, у ёқ-буёқни кўздан кечирган бўлишиди. Сўнгра араваларда олиб келинган, кучоққа зўрга сигадиган кутилар чорбоққа ташилиб, дарахт тагларига сиф-саф қилиб тизиб чиқилди. Ҳар кутининг 4 тадан «кёёларни» бор эди. Кейин маълум бўлишича, булар асалари кутилари, улар юзтадан ортиқ экан.

Чарм либоси кишилар хайр-хўш қилиб, жўнаб кетишар экан, Маҳтоб бувининг ёнида оқ-сарик сочли, ниҳолдең нозик 20 ёшлар чамасидаги кўзлари мунгли қизни қолдириб, шундай изоҳ беришид: «Онахон, бу энди сизнинг қизингиз бўлади. Ислим Янина, асаларичи!»

Аравалар жўнаб кетишгач, буви меҳмонини чорбогнинг ҳовлига туташ еридаги сўри томонга бошлади. Тезда дастурхон ёзб, чой дамлади. Қизни сут, арпа ундан ёпилган нон билан сийлади. Уруш йилларининг дастурхони жуда гарип бўлса-да, она тутмайиз, ўрик қоки ва яна алланималар билан уни бойитишга ҳаракат қилди.

Мезбон ва меҳмон имо-ишоралар, юз, кўз ифодалари или амаллаб тиллашардилар. Тиллашувда она нигоҳидаги меҳр-шафқат, ҳавотир, қиз кўзларидаги мунг таржимонлик қиларди.

Бехосдан Маҳтоб бувининг кўзлари қизининг тўлқин урган малла соchlari орасидаги бир неча оқ

лигини билмаган Янина Маҳтоб бувининг невараси Жавлон (қизининг ўғли) дўпписида териб келган бу жаннат меваларининг бир неча донасини оғзига ташлади-ю, ҳузурланиб кўзларини юмди. Бундай неъматни умрида биринчи марта тановул қилганини болага амаллаб тушуниди. Бола қилган исидан мамнун бўлиб, жилмайиб кўди. Етти-сақкиз ёшлар чамасидаги болакай олис юртдан келган меҳмоннинг ёнг яқин сирдош дўстига айланганди. Қишлоқда унинг йиглаганини шу болакайдан бошқа ҳеч ким кўрган эмас.

Кунлар янада исиб кетгач, Янина ва Жавлон тут тагидаги етти болорхона томида ухладиган бўлишиди. Жавзонинг исиқ тунлари иккى сирдошнинг фўнгир-ғунғир сухбати ярим тунгача давом этади. Тўлин ой чор атрофни ўзининг кумуш нурларига буркаган ёқимли, енгил шабада эсади. Қари тутнинг тарвақайлган шохлари шундоқ тепаларида, икков-

ЎЗГА БОҒНИНГ ОЛМАСИ (ҳикоя)

толага тушди. Юраги симиллаб оғриди. «Э, воҳ, бу бечорагина ҳам уруш оқибатида сарсон-саргардон бўлғанлардан шекилли?» деб ўйлади, секин «уф» тортид.

Урушнинг ҳар икки жабрдийдаси бир-бирларини унисиз кузатишар, онда-сонда кўз уриштириб, ниманиндири тушуниб, ниманиндири тушунмай, сўзсиз сўзлашишар, қандайдир тўғри-нотўғри хулосалар чиқаришарди. Дастрұхонга фотиха ўқилгач, икковлон бошлашиб чорбокча ўтдишар.

Янина ялпизлар, гул-кўзларни ютоқиб хидлар, чехраси ёришиб, кўзларидан мунг ва андух чекингандай бўларди. Кўп ўтмай қўни-қўни, хотин-халаж чорбогни тўлдириб, меҳмон билан таниша бошладилар. Уларнинг чулдуру-чулдуридан кеч нима англай олмаган қиз уялганнамо жилмайиб елка қисарди, холос.

Сергаглиги, шаддодлиги билан ном чиқарган Саломат буви шундоқ деди: «Ҳамсоя, бу меҳмоннинг уруми, хоҳоли, нима бало?»

Меҳмон гап ўзи ҳақида кетаётганини дарҳол аংগлаб, шошиб жавоб қилди:

– Я, полк, полк!

Шу тариқа мезбон ва меҳмон она-бала тутунишди, қишлоқ болалари, қиз-жуонлар ҳам тез орада поляк қизи билан жуда апок-чапоқ бўлиб кетишиди. Қиз хонадон соҳибига рўзгор юмушларини бажариш, мол-ҳолга қарашицда кўмаклашар, ҳар куни бир неча марта асалари кутиларидан хабар оларди. Янина шаҳарлар қиз бўлса-да, тез орада сигир соғишини ўрганиб олди. Зеҳни ўтирил қиз кундалик турмушда кўп ишлатиладиган ўзбекча сўзларни секин-аста тушуниб етди.

Бомбардимон пайтида ота-онасидан айрилган кизнинг ўзбек тилида айтган биринчи сўзи «Она, Онахон!» бўлди. Бу сўзларни эшитган онанинг ўғли йўлига нигорон кўзлари намланди, меҳмонини бағрига босиб, унинг юз-кўзларидан меҳр билан ўпид-ўпиди кўйди.

– Худо хоҳласа, Мансуржоним қайтиб келса, сени ўзин келин қиламан, – деди. Янина у нима деганини фахмал олмаган бўлса-да, бу сўзлар илик, яхши нима эканини сезгандай жилмайиб кўйди.

Буви уни ёркалаб «Кизимиз» ёки «Нина», дея қиқиришар, қўни-қўшиналар, бошқалар ҳам худди шундай мурожаат этишарди. Кунлар шу зайлда ўтаверди, дарахтларнинг оқ ҳарир либоси ўзгариб, яшил тус олди, сўнгра шохлари гуж-ғуж меваларга тўлди.

Ойдинкўл қишлоғи, унинг меҳрибон одамлари Яинининг ғамини енгиллатдилар, у уруш даҳшатларини бироз уннутгандай бўлди. Аммо баъзи-баъзида чорбоғда ўзи ёлғиз, қолган кезларда она тилида мунгли ва ҳазин товушда кўшиқ куйлар, оплок, чоройли юзлари ёни селига гарп бўларди.

Кунлар исиб, қишлоқда тут пишиб қолди. Маҳтоб бувининг кенг-мўл ҳовлисида танаси кучоққа сиг-майдиган катта балхи тут дарахти бор эди. Тут нима-

лон ой нурида жимирлаб кўринаётган мевалардан териб, еб ҳузур қиласидилар. Кейин болакай ухлаб қолади. Қиз эса алламаҳалгача ухлай олмай, тўшакда «уф» тортиб ётади. Онда-сонда у чўчиб ўрнидан териб кетади. Олис-олисларда итлар ақиллаши, хўролзар қичқириғи эштилади.

Уруш кўрган кишиларнинг айтишича, бомбардимон жанг тафсилотлари бу даҳшатни бошидан кечиргандарнинг хотираасидан ўчиши жуда мушук. Айримлар уни ҳатто умрбод уннотлас экан. Бомбардимон пайтида ота-онасидан айрилган Янина ҳам баъзан тунлари алаҳлар, уйқусидан чўчиб уйғонар, тиқ товушдан вахимага тушарди. Ҳатто беозор товушлар ҳам уни ҳаяжонга солар, қаттиқ кўркиндарди. Табиатнан камтар, камсукм асаларичи буни атрофдагилардан яшириш ҳаракат қиласар, уларни беозта килишини истамасди. Аммо зуқко ва кузатувчан Маҳтоб буви унинг ҳавотини сезар, меҳмонни асрар-авайларди. Унга хос тансоқчи бўлиб қолган Жавлон Нина опасидаги беозватлини сезгандай бўлса-да, унга ортиқча саволлар бермасди.

Меҳмон рўзгор ишлари ва асаларипарга қараш билан овнарди. Бу асалари деган жонивор кичкинагина, үчталик кўзга ташланмаса-да, унда неча ўнлаб одамнинг файрати бор. Бир томчи асал йиғиши учун неча ўнлаб чақирим масофани босиб ўтиши, гудан гулга қўниб, «қаттиқ меҳнат» қилиши керак.

Полизлардан ҳандалак ҳиди анқиб қолди. Бу неъмат ҳам поляк қизи учун янада ажойиб янгилик бўлди. Серемғир, намчил ҳамда хийла салқин юрт қизи еру кўкни ёндираётган куёш бу гаройиб ўлкандан ҳар қаричида мўъжизалар яратишими секин-аста тушуниб етди.

Ана шундун исиси кунларнинг бирида ошхонадан чиқиб, ариқдан сув олиш учун бораётган қизнинг нигоҳи беҳосдан дарвоза томонга тушди. Кўзи тушди-ю, турган ерида тақъа тўхтаб, ҳаяжонли бир товушда: «Она! Онахон!» деди. Дарвоздан ҳар қарбий либосдаги йигит супа ўртасига келиб қолганди. Бу нотаниш меҳмоннинг файритабий нидосидан сўнг у чап кўлидаги жомадонини ерга қўйиб, юришдан тўхтади. Оқ дока билан танғилган ярадор қўлини авайлаб сафар халтасини тузатган бўлди.

Яинининг ҳаяжонли товушини эшитган она ўйдан яланг оёқ ҳолда югуриб чиқди. Ҳовли ўтасида бир ўзига, бир бегона қизга қараб турган ўғлини таниб, «Болам, Мансуржон!» деб оҳ оқиди. У ўғли истиқболига бир қадам ташлар-ташламас ҳолсизланиб ерга қулади. Чорбог томондан югуриб келган ҳар қарбий либосдаги йигит супа ўртасига келиб қолганди. Бу нотаниш меҳмоннинг файритабий нидосидан сўнг у чап кўлидаги жомадонини ерга қўйиб, юришдан тўхтади. Оқ дока билан танғилган ярадор қўлини авайлаб сафар халтасини тузатган бўлди.

Яинининг ҳаяжонли товушини эшитган она ўйдан яланг оёқ ҳолда югуриб чиқди. Ҳовли ўтасида бир ўзига, бир бегона қизга қараб турган ўғлини таниб, «Болам, Мансуржон!» деб оҳ оқиди. Аскар «Онахон!» деб унга талпинди ва соғ кўли билан онасининг бошини кўтарди. Янина унга ёрдамга келди. Икковлон амаллаб онани ўша қари тут тагидаги салқин хонага олиб кирдилар. Уларга қўшилиб хонага кирган Жавлон дам бувисига, дам тоғасига қараб, жонсарак бўлар, нима қилиши билас, кўзлари ёшланганди.

(Давоми бор)

МУЛОҲАЗА

Ишга жамоат транспортида қатнаганилигим учун ҳар куни турфа хил инсонлар ва воқеаларга гувоҳ бўламан. Айниқса, ишдан чарчаб, уйга қайтаётган одамга мусиқа ҳамроҳ бўлади. Бир куни автобусда қўйилган қўшиқнинг маъносига (аслида маъно дейишга ҳам уяласан киши) эътибор қаратдим:

*«Дилимни ўйнама, ўйнама,
Севаман деб алдама, алдама.
Бевафосан аслида, аслида,
Мени бунча қийнама, қийнама...»*

Маъно қофиянинг қурбонига айланган бу қаторларни эшишиб, дилим хира тортди. Қўшиқ рақсбоп, аммо ундаги сўзлар рақсга тушадиган эмас. Ёш хонандаларнинг «ижод»ини кузата туриб, шунга амин бўлдимки, уларнинг аксарияти шеъриятнинг асл маъносини тушунмайди. Куйи ҳам, сўзи ҳам тўйбоп, мавзуси эса рақсга тушаётган

ниятига тегиши шубҳасиз. Ахир биз, аёллар эркак кишига баланд тоғимиз, суюнчиғимиз, отамиз, оғамиз, умр йўлдошимиз деб қараб, уларнинг бир оғиз гапини икки қиласликка ҳаракат қилиб, нигоҳларидан ҳайикб турамиз. Ўша қатъиятли қарашлар, ўтқир нигоҳларни кўриб, ожизамиз, деймиз. Аммо бундай қўшиклар ушбу фикрлар-

қаранг, йигитнинг орқасидан тинмай югурипти», деди. Ёш эмасмизми, бувимнинг гапига кулдик. Ўлаб қарасак, аслида кулиш эмас, чуқур йўлаб, фикр юритиш лозим экан.

**«Манга телефон қилмайди,
Севаман деб айтмайди.
Турли баҳоналар қилиб,
Ёнимга ҳеч келмайди...»**

Бу қаторларни ўқиб, на кулишини, на йиглашни билмайсан киши. Айрим аёл хонандаларимиз ижро қилаётган қўшиқларини эшишиб, маъно, мантлик, мазмун деган тушунчалар ўйқолиб кетаётганини кузатишими мумкин. Нақаротига:

**«Нима қилай севаман,
Сенсиз яшай олмайман...»**

Уч дақиқалик қўшиқда ушбу сатрлар ўн беш мартадан кўп тақорланган. Бечора севги деган сўзнинг ўзи уялиб, қаергадир яшириниб олган бўлса,

ҚОФИЯНИНГ ҚУРБОНИГА АЙЛАНГАН ҚАТОРЛАР



жононага қараб сийқа усулда хушторлик изҳор қилишдан бошка нарсани англатмайдиган қўшиклар ҳам «болалаб» кетгани рост.

Бу баҳсталаб, жиддий мавзу. Аммо йўлаб кўрсан, қўшиқ худди истеъмол қиласидиган таомимизга ўхшайди. Яхши таом қоринни тўйдирисдан ташқари, инсон саломатлигига ҳам таъсир қилиб, дилини йирайтади. Қўшиқ эса киши руҳиятини маънан озиқлантиради. Бир устозим қўшиқ ҳақида кўйидаги фикрларни билдирган эди: «Биз учун санъатлар ичиди энг муҳими қайси? Кино? Эҳтимол, бу ҳам тўғридир. Бироқ мен бу инжиқ санъат соҳасининг чинакам заҳматкашларини мутлақо ранжитмаган ҳолда, қўшиқни биринчи ўринга қўйган бўлардим. Негаки, бирон ҳафтами, ойми, ишқилиб кино кўрмасдан, ҳайкал ё расм томоша қилмасдан яшаса бўлади, аммо бирон кунимиз йўқи, қўшиқсиз ўтмаган бўлса. Шунинг учун ҳам қўшиқни кишилик тарихида энг аввал пайдо бўлган санъат деб биламан. Инсон қўшиқ билан яшайди – туғилган кунидан она алласини эшилса, бутун ҳаёти давомида қўшиқ тинглайди, ўлган чогида эса жигарбандлари айтиб-айтиб йилгайди, бу ҳам – қўшиқнинг бир тури аслида. Инсон қўшиқ эшилтиб яйрайди, қўшиқ айтиб жангга киради, сўнг бу жанг тафсилотларини қўшиқ (достон) қилиб айтиб, авлодларга қолдиради. Қўшиқ инсон дилини мувозанатга солувчи

мўъжиза, киши шод-хуррамлиги ёки ғам-алами ичига симай қолган пайтларида қўшиқ айтиб, ҳовурини босади».

Телевидение орқали шуни кузатишими мумкинки, айрим ёш хонандалар айтиётган қўшиқларига ўзи ҳам мулалиф, ҳам бастакордир. Албатта, санъат оламида серқирра бўлган яхши, аммо ҳалқимиз бекорга «Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин», демаган. Ҳудди шундай қўшикларнинг бирига эътибор қаратсан:

**«Ташлаб кетдинг мени,
менга қарамай,
Ўзга билан кетдинг,
ҳолим сўрамай.
Йигладим ортингдан,
йигладим тинмай,
Қайт ортингга, қайтгин
севгилим...»**

Бу қўшиқни эшилтиб, унинг маъно ва мазмунига, куйи ва оҳангига эътибор қартиши миздан олдин, аввало, эр йигит томонидан ижро этилган ўйлантириб қўяди. Эркак кишининг йиглаши Шарқ ҳалқларига хос бўлмаган одат. Қўшиқ матнида севгани бошка одам билан кетгани ва у йилгаб, унга қайт кетгани яхши. Бу сатрлар ҳар қандай эркак кишининг нафсо-

га тамомила зиддири.

Эркак кишининг эрлигини қатъият, жасорат белгиласа, аёл кишининг ожизалигини иффат, шарм-ҳаё белгилайди. Қиз бола кимгадир кўнгил қўйса, дилидагини ҳеч қачон тилига чиқармайди, дейишади. Бунга тарихида яшаб ўтган қанча момоларимизнинг ҳаёти ва ижодини мисол қилишимиз мумкин. Жаҳон отин Увайсийнинг ушбу мисраларига эътибор қаратсан:

**«Мўрдек помолдурманким,
саломат ахлига,
Дард ахлига бу дам,
сардордурман ишиқида.
Ақл-у, фаҳму, хушу
идрокин азовор ўлдирким,
Мижмарни бардош ичинда,
нордурман ишиқида».**

Момоларимиз шу қадар ифратли, ҳаёли бўлишганки, ҳаттоқи севги сўзини шивирлаб айтишга уялишган. Бир куни қишлоқда бувимнинг уларидага меҳмон бўлдим. Бувим саксон ёшли қаршилаган бўлишига қарамасдан, кўл-оёғи чақон. Телевизор томоша қилаётганимизда телеканалларнинг биррида танқили хонандамиз томонидан айтилаётган қўшиқнинг клипини кўриб, «Вой шарманда, бу қизга

ажабмас. Муҳаббат туйғуси аслида бундай бўлмайди...

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Қуюшқондан чиқиб кетаётган санъаткорларимиз огоҳлантирилапти. Бу борада устозим шундаги деган эди: «Беш-олти йил бурун шифохона фойесига қўйилган телевизорни томоша қилиб ўтириб, бир қўшиқ тинглаган эдик. Саҳро. Шабадада хас-ҳашаклар думаляяпти, қўм учяпти. Сайхонликда беш-олти эркак, уч-тўрт аёл. Эркак хонандалардан биро дароз бўйли, бир кўзи кўр. Бошқаси кексайган, яласки гавдали. Улар учун хор жамоасидагидир бўйсира бўлиб туриш, якранг кийиниб, капалак галстук тақишилар бирламчи эмас экан. Бироқ айтган нашидасини эшилсангиз! Куйи ҳам, албатта, гимнбоп, жанговар. Бу нашиданинг ҳар бир банди «Ватан!» деб бошланар экан, «Ватан!» деб нило қилган когда хонандаларнинг гавдаси ларзага тушиб титраб-силкиниб кетар эди. Қўшиқ соб бўлгунича улардан бир нечасининг кўзларидан ёш думалаб кетди. Атрофа қарасак, беморлардан баъзиларининг кўзи ҳам намланган, ҳаяжон билан тикилиб ўтиришибди. Ана шунда киши қалбини жунбушга келтира оладиган битта қўшиқ ватанпарварлик мавзуида битилган ўнта оддиг китобнинг ўрнини босишига кодир эканлиги ҳақида ўйланиб қолдим. Қўшиқ дегани ана шунаقا, асл бўлса экан...»

Айжамал ЖАНИБЕКОВА

ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

– Ойи, нон увогини ерга туширсам, кўзим оғриб қоладими? – деди жажжи Мухлиса онасининг ёнига чопиб келиб.

– Ким айтди сенга бу гапни, яна бувингми? – Назиранинг юши чимирилди. Ичидаги фашлик аралаш нимадир ғалаён қила бошлади. – У яна шунақа бўлмагур гапларни айтиб, тарбиянгни бузяптими? Бўлмаган гап. Эшитдинги, бор, хоҳлаганингни қиласер. Бувинг айтаверади. Унинг ҳар бир айтган гапи тўғри бўлавермайди!

– Нонни ўтирасдан есан ҳам, ушоги ерга тушса ҳам майлими? – Мухлиса кўзларини катта-катта очиб онасига тикилди.

– Менга деса кўчада емайсанми! Бор бошимни қотирма! Ишдан қолдиряпсан мени, – онаси ювилган кийимларни тез-тез тахлаб, жавонга қўя бошлади.

– Бувим менга нонни ўтириб егин. Ушоги ерга тушса, увол бўлади, кейин кўзинг оғриди, деган. Нонни эъзозлассанг, сен ҳам ноңдек эъзоз топасан, деган. Сиз эса шуняни билмас экансиз. Мен билман, кечга ўтргом Сабоҳат ҳам нонни ўтирасдан еб юрганди, касал бўлиб қолиди. Мен кўзим оғришини истамайман.

– Мухлиса, вой асал қизим менинг, – кўча томондан қайнонасининг овози эшитилди.

Мухлиса илкис бosh кўтариб дарвозаҳонага қарди-ю, бувисининг истиқболига югурди.

– Бувижоним! Келдингизми, сизни соғиниб кетдим, – кизча меҳр билан бувисини кучди.

– Ие, салом қани, болам? Айтганингку сенга, катталарни кўрганда кичиклар доим салом бериши керак. Саломинг – бу одобинг. Одобли болаларни эса ҳамма яхши қўради.

– Анови, сиз айтиб берган эртакдаги дев ҳамми?

– Ҳа, уям яхши қўради. Бўлмаса, болакайнин аллакачон еб қўйган бўларди-да.

– Сизан яхши кўрасизми?

Бувиси кулиб неварасини кучди:

– Ҳа, менам ссрсалом болаларни яхши кўраман.

– Ассалому алейкум! – Мухлиса баланд овозда бувисига салом берди.

– Ваалайкум ассалом. Ақлли қизим, эсли қизим.

– Қайнонаси неварасини бағрига босиб, пешонасидан ўпди.

– Бувижон, мен нонни ўтириб едим. Ушоқларини эса сиз айтгандек пиёлаға солиб қўйдим. Уларни товуқларимизга берамиш-а?

– Ҳа, товуқларимизга берамиш. Кейин улар сендан миннатдор бўлишиади.

– Миннатдор дегани нима, буви?

– Миннатдор дегани хурсанд бўлади, қувонади дегани.

– Бир гап айтами, кечга ўтргом кўчада нон еб юрганди. Бугун касал бўлиб қолиди, – Мухлиса кўзларини катта-катта очиб, бувисига тикилди.

– Бувижон, сиз тўғри айтган экансиз. Нонни юриб еб бўлмас экан.

– Вой, ёмон бўлти-я. Ўртоғингта айтмабсан-да нонни ўтириб егин, деб.

– Айтдим. Лекин у кулоқ солмади. Мен шунақа кулоқсиз қизмасман-а, бувижон? – қизалоқ бувисига сўйкалди.

– Йўқ, сен кулоқсизмассан. Сенинг эсинг кўп.

– Эсинг дегани нима, бувижон?

– Эсингмас, эс. Ес бу – ақл дегани.

Ховлидан эшитилаётган буви ва неваранинг сухбати Назирага бу гал неғадир хуш ёқаётган эди. Хар доим қайнонаси болаларига насиҳат қила бошласа, унинг ғаши келарди. Ҳатто гаплашиб ўтириша ҳам тўнини тескари кийиб оларди. Унинг назарида қайнонаси болаларини ундан совутаётгандек эди.

Шунча ўзини мажбурласа ҳам кўли ишга боради. Чунки айни шу лахзаларда қизи унга бир ҳақиқатни англатанди: она фарзанд учун доим ўрнак, яхши тарбиячи бўлиши лозим экан. Учи? У болаларига қайси жиҳати билан ўрнак бўляпти. Қайнонаси гап қайтариши биланинг ё болаларининг олдидаги турмуш ўртоги билан худа-бехудага тортишиши, аразлаши билани? Шулар ҳақда ўйлар экан, ўзидан уялиб кетди.

Бир ой олдин бўлган воқеа ҳеч эсидан чиқмайди. Ўша куни кечки овқат ҳар кунгидан бироз кечиқди. Аксига олиб шу куни турмуш ўртоги ишдан эртарок қайтиди. Ярим соат ўтди, бир соат ўтди, Назира овқат олиб келай демасди. Овқатни кутавериб чарчаган болалари бу орада ухлаб қолди. Назиранинг эса парвойи фалак. Телефонда синглиси билан гаплашиб, гўёки дастурхон бошидагиларни унугтанди. Турмуш ўртоги овқатни тезроқ олиб келишини айтиб овоз берганда: «Нима-аа, кимдир очдан ўляптими?» деб жеркиб берди. Бу гап Нодир ақасининг тоқатанинги тоқ қилди. У онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай Назиранинг устига куюндай бостириб борди. Келинини дўйпослаётган ўзини ажратишга онанинг

кучи етмади. Аксига олиб келин ҳам тилини тияй демасди. Бир вақт келини: «Ҳаммасига сиз сабабчилиз! Сиз ўғлингизни менга қарши қайраяпсиз!» деб унга таъна тошларини ота кетди. Бу гап Нодирнинг қонини қайнатиб юборди, у яна муштига зўр берди. Йиғи-сиғи, қий-чув ҳамманинг дилини хуфтон қилди. Даствурхон даствурхон жойида, овқат овқат жойида қолди...


Шу воқеадан кейин у қайнонасини баттар ёмон кўриб қолди. «Ҳа, дугоналарим тўғри айтган экан, қайноналар бор жойда ҳаловат бўлмас экан. Мен қайнонаси қандай бўлмасин уйимдан кетказиши

бир вақтлардагидек оҳангда хотинига гапирди. Назира индамай ишини давом эттираверди. Нодир эса секин хотинига яқинлашиб, елқасидан кучди.

– Ахир нима қил, дейсан, сен хотиним бўлсанг, у киши онам. Эт билан тирнокни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини биласан-ку. Ота-онага қандай муносабатда бўлсанг, келажақда фарзандларинг ҳам сенга шундай муносабатда бўлади, дейшиади. Кел энди, аразлашмайлик. Ўзинг яхисан-ку. Мен сени яхши кўраман...

«Мен сени яхши кўраман!» Бу гап... Назира турмуш ўртогидан бу гапни эшитмай қўйганига қанча

ҚАРИСИ БОР ЎЙ



керак. Нима, унинг фарзанди фақат Нодир акамми? Ана яна иккى ўғли бор. Улар билан яшасин. Эрим кенжа фарзанд бўлса бўлибди-да. Бу ота-онани қарамогига олиш фақат эримнинг зиммасида дегани эмас-ку!» Кўнглидан ўтганларни Назирани ҳаволаниди. Энди у қайнонасига ошкора хужумга ўтди. Арзимас нарсадан жанжал чиқариб, қайнонаси билан уришадиган, гап қайтариб хуморидан чиқадиган бўлди. Қайнонаси жуда оқила аёл. Келинининг бу қиликлиари уни уйдан бездириш эканлигини бोшидаётгандек англарда вири куни ўғли ўйда йўқлигига буюмларини йиғиштириб-ю, катта ўғлиникуга кетиб қолди. Лекин уч кун бўлмасдан Нодир онасини ўйга қайтариб олиб келиди. Онасининг: «Мен ўзим шуни хоҳладим. Акан гаплан яшагим келяпти», деган баҳоналарига эътибор бермади. «Акамни, неварала-ринизни согинсангиз, меҳмон бўлиб бориб келасиз, лекин мен тургандга улар билан яшашингизга ўйлўймайман», деди ўғли. Аёл ўша пайдаги ҳолатини сўз билан тъифиғлаб беролмайди. Ўзини кучгандча шундай йиғлади, шундай йиғлади. Онанинг аҳволини кўриб, йиғилнинг ҳам кўнгли бўзилди...

Кўча эшиқдан онасининг елкасидан кучгандча хушхандон кириб келаётган турмуш ўртогини кўрган Назиранинг нақ жони чиқиб кетай деди. Қайнонасинынг юзига сер солиб қаради: «Бунча хурсанд бўлмаса? Ҳойнаҳой менинг устимдан кулиб келяпти. Ҳали караб турсин, кўрсатиб кўяман, устимдан кулиш қанақа бўлишини».

– Ҳўй, Назира, нега қаққайиб турибсан, ойим билан кўришмайсанми? – эрининг гапидан ўзига келган аёл истар-истамай қайнонасига яқинлашиди:

– Ассалом...

– Ваалайкум ассалом, яхшимисиз, қизим, болалар яхшимиз? – қайнонаси худди ҳеч нарса бўлмагандек келининг яқинлашиб, уни кучмоқи бўлди. Лекин Назира рўйихулиши бермади. Хотинининг бу қилиғидан жаҳли чиқиб кетган Нодирнинг юзлари бўйриқиб кетди.

– Ҳўй, сен ким бўпсанки, онам кўришаман деса, ўзингни тарозига соласан?! – Нодирнинг қолган гапида ичидаги қолди. Назира кўзлари ола-кула бўлиб жириллай кетди:

– Оғзингизга қараб гапиринг! Биринчидан, мен «ҳўй» эмасман, иккинчидан кўришиш-кўришмаслик бу менинг ишим! – шундай деб шарт ортига бурилиб кета бошлади. Онасининг олдида хотинининг бундай беписанд қилиғидан изза бўлган эркакнинг кўллари мушт бўлиб түгилди. Агар ёнида онаси бўлмаганданди, хуморидан чиқунча дўйпосларди. Ағус, боя ақасиникидан кела туриб онаси унга: «Назирани урмайсан, ҳеч қачон хафа қилмайсан», деб шарт кўйиб, ваъдасини олган. Лекин нимадир қилмаса бўлмайди, ахир бу кетища Назира онасини оёқиётни килиб ташлади.

Нодир онасининг нарсаларини хонасига олиб кирди. Кейин ошхонада кўймаланаётган хотинининг олдига келиди. Идиш-төвсларни тарақ-турӯк қилиб юваётган Назира ҳалиям жаҳлдан тушмаганди. Унинг ҳаракатини бироз кузатиб турган Нодирнинг юраги сикилди. «Бу хотин билан яшашга ўзинг куч бер, Аллоҳим». Кўнглидан шу сўз ўтар экан, онасининг насиҳатини эслади: «Куч ишлатиб, ёмон ўрнинги айтадиги тезроқни тозади. Унсанга оғизни кўнглини колади. Усанг эти қотади, сўксана бети. Аёл кишини фақат яхши гапириб, йўлга солиш мумкин. Жон болам, Назирага мулойимроқ мумалана қил, меҳр кўрсат. У аслида яхши аёл. Мана, кўрасан, албатта, ўзгаради.

– Назира, хафа бўлдингми мендан? – Нодир хув

йиллар бўлган. Бугун эшитди! Эшитди-ю, кўнглидан ўғбор, эрига бўлган гина-кудурат ном-нишонизи йўқолди. Ҳа, у эридан доим шундай мумалани кутарди. Унинг илк сўзига илҳак эди. Билмасдики, уруш-жанжаллари туфайли турмуш ўртогини ўзидан бездириб қўйганини. Бугун билди, англади, тушунди ва айбини тан олди. Аёл йиғлаганча эрини елкасига боз кўйди...

Ҳаётнинг ўзи муаллим экан, буок муаллим. Бугун Назиранинг ўтган умрига назар солиб, ҳеч қачон яхши келин, яхши она бўлолмаганидан ўксиди. Қайнонаси невараларига учун килаётган фидойилиги, жонкуярлигини ҳам ўзича тушунар экан. Аслида унинг ўтилари, панд-насиҳатлари фарзандларининг камолотида қанчалик мухим эканлигини бугун тушуниб етиди. Анича вақт олдин турмуш ўртогига: «Онангиз билан яшамайлик. Агар онангиз бу уйдан кетишини хоҳламаса, ўзимиз алоҳида уй қилиб чиқиб кетайлик», деб қилган хархашаларини эслаб, хижолат бўлди. Энди билса, хато қилган экан, жуда катта хато...

Ўша куни кечки таомни ўзгача тайёргарлик билан ҳозирлади. Турмуш ўртогини ҳам ҳар доимига тунд киёфада эмас, қувонч билан қаршилади. Келинага ўзариши қўриб, қайнонасинынг ҳам кайфияти қўтарилиди. Ҳаммалари ҳовлидаги сўрида хушнавийда оқватланишиди.

– Зилола, энди турб дастурхонни йиғиштири. Қиз бола овқатни ичиб бўлгандан сўни тезда дастурхонни йиғиштиришга одатланиши керак, – бувиси дастурхондаги бўй косаларни неварасига узатди. – Дастурхонни ҳовлидаги гулларнинг тагига қоққин. Ушоқлардан кўрт-кумурскалар ризоқланади.

Зилола бувисининг қўлидаги косаларни олиб, дастурхон четига қўйиб қўйди-да, индамай яна телевизор кўраверди.

– Қизим, бувингизнинг ҳам ҳар доимига тунд киёфада эмасман.

– Зилола ялт этиб онасига қаради. Ҳайрон бўлди. Чунки шу вақтгача онаси ҳеч қачон бувисининг гапини маъкулламаган. Кейин бувиси уларга ишорса жаҳли чиқарди. «Зилола ҳали ёш бола. Мухлиса ҳам. Нега уларни ҳеч тинч кўймайсан. Катта бўлса, иш қилишини ўрганиш қочмайди. Ҳозирча мен ўзим қиласам шу юмушларни», дерди доим. Бу сафар ундан демади. Зилола онасига ҳайратланиб қараб қолди.

– Нима, гапимни эшитмаяпсанми? Нега жим бўлиб қолдинг, бўлақол қизим. Қани, тез туриб, бувижонинг айтгандарини қўл-чи.

Зилола бирлас тараффудланиб қолди. Наҳотки онаси айтадиган бўлса, бу гапларни?

– Ойи, мен...

– Гапинг бўлса, кейин гапирасан, хўпми? Қани, қизим, косаларни ошхонага олиб бор. Зилола тезда ўрнидан туриб, дастурхонни йиғиштира бошлади. Унга синглиси ҳам ёрдамга шошилди. Қизларининг хатти-ҳаракатини ҳавас билан кузатиб турган Назиранинг баҳри дили очиди.

– Ойижонм айтган ҳар бир гап сизлар учун ҳикмат. Ўргансиз, кам бўлмайсизлар, – Назира миннатдор бўлиб қайнонаси тикилди. Унинг нигоҳида меҳр, мұхабbat, ҳурмат, эъзоз – ҳамма-ҳаммаси зоҳир эди...

Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА

ХАРБИЙ ТЕХНИКА

АВИАЦИОН ҚҮЛЛАБ-КУВВАТЛАШ УЧУН

Афғонистон Ҳарбий ҳаво күчларига қарашли А-29А «Супер Тукан» русум-ли енгил штурмчи самолёт Бразилияning «Эмбраер» фирмаси мутахассислари томонидан EMB-314 типидаги ўқув-машқ самолёти асосида ишлаб чиқылган.

Бу машина куруқликдаги бўлинмаларни бевосита авиацион қўллаб-куватлаш учун мўлжалланган. Афғонистонда ноконуний қуроли гурухларга қарши кураш операцияларида фойдаланилади.

«Супер Тукано»нинг асосий техник-тактик тасифлари қўйидаги: экипаж 2 киши, максимал кўтарилиш оғирлиги 5 400 кг (юксиз – 3 020 кг), максимал учиш тезлиги соатига 560 км, амалий кўтарилиш баландлиги 10 600 м, бошқа жойга учиш ўтиш узоқлиги 2 850 км (2 та илин ёнилги баки билан), ҳаракатланиш радиуси парвоз мақсади ва жанговар юкламага боғлиқ равишда 750 км.гача бўлган масофани ташкил этади. Самолётнинг кучланиш курилмаси таркибига «Пратт-Уитни» фирмасининг Канада бўлинмаси томонидан ишлаб чиқариладиган РТ-6A-68-3 типидаги турбовинтил двигатель (максимал куввати 1 193 кВт) киради. Қуроллари: иккита 12,7 мм.ли пулемёт (ҳар бирининг жанговар комплекти 200 та патрон), самолётдаги бешта илғли нуқталарига 20 мм.ли автоматик тўп солинган контейнер жойлаштирилиши мумкин, «ҳаво-ҳаво» ва «ҳаво-ер» типидаги бошқарилувчи ракеталар, бошқарилувчи авиация бомбалари, бошқарилмайдиган ракеталар ва бомбалар (максимал жанговар юклами 1 500 кг). «Супер Тукано»нинг узунлиги 11,4 метр, баландлиги 4 метр, қанот кўлами 11,14 метр.



ЭФФЕКТИВНОСТЬ ДОКАЗАНА В БОЯХ

В состав разработанного израильскими специалистами противоракетного комплекса (ПРК) «Айрон Дом» входят три-четыре пусковые установки с 20 противоракетами «Тамир» на каждой и радиолокационная станция EL/V2084.

Комплекс сопряжен с информационно-разведывательными средствами ПРО, от которых получает первичную информацию о пусках реактивных снарядов. Для определения факта обстрела защищаемых объектов и зон также может использоваться сеть оптоэлектронных и звукометрических станций, развернутых на опасных направлениях. Эффективность ПРК «Айрон Дом» была подтверждена на практике в ноябре 2018 года. В ходе боестолкновений между силами безопасности Израиля и отрядами Движения исламского сопротивления ХАМАС из самоходных гаубиц по сопредельным районам еврейского государства было выпущено более 380 реактивных снарядов и мин, из которых около 120 перехвачено этими противоракетными комплексами. Основные технико-тактические характеристики ПРК «Айрон Дом»: максимальная дальность перехвата целей 15 км, максимальная высота перехвата 3-5 км, время реакции 15 с; противоракета «Тамир»: стартовая масса 90 кг, длина 3 м, максимальный диаметр корпуса 0,16 м.



ТЕРРОРЧИЛАР ТАҲДИДИ САБАБЛИ



Миср Ҳарбий ҳаво күчларининг қиравчи самолётлари Ливия ҳаво бўшликларида бир қанча парвозларни амалга ошириди. Мәълумотларга кўра, улар мамлакатни худудига бостириб кирган ва Мисратдаги Миллий келишув ҳукумати күчларига зарбалар берган. Аввалроқ Миср Президенти Абдул-Фаттоҳ ас-Сиси Ливияда қўллаб-куватлашнаётган «террорчи ёллами жангарилар» Мисрга тўғридан-тўғри таҳдид қилаётгани, шу сабабли Қоҳира томонидан килинадиган ҳар қандай ҳарбий аралашув эндиликда қонуний бўлишини мълум қилган эди.

НАМОЙИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



Вашингтонда афро-америкалик Жорж Флойдинг полиция ходими томонидан ўлдирилган сабабли юзага келган ва ҳозирда ҳам давом этатган норозилик намойишлари тарбиялизиларга айланиб кетди. Бунга полиция-чирапарни АҚШнинг еттичини Президенти Эндрю Жексонга ўрнатилган ҳайкални йикитишга уринаётган намойишларни сурб чиқариш ва ҳайкал атрофига барьер кўшишга ҳаракат қилгани сабаб бўлган. Намойишлар полициячиларга қарата турили предметларни отган, полиция эса бунга жавобан оломон томон қалампири спрей сепган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ИМЕЕТ БОЛЬШИЕ ВОЗМОЖНОСТИ

Десантно-вертолетный корабль-ДОК (ДВКД) «Калаат Бени-Аббес» ВМС Алжира (бортовой номер 474) был заложен в 2011 году на верфи «Рива Тригоzo» итальянского судостроительного объединения «Финкантьери», спущен на воду в январе и передан алжирской стороне в сентябре 2014 года.

Корабль создан на базе итальянского ДВКД «Сан-Джусто». В отличие от прототипа он имеет большее полное водоизмещение (8800 т вместо 8128 т), увеличенные длину (142,9 м вместо 137 м) и ширину (21,5 м вместо 20,5 м) при меньшей осадке (4,9 м вместо 5,3 м). Главная энергетическая установка включает два дизельных двигателя марки 12V32 фирмы «Вяртсила» мощностью по 6000 кВт, работающих на два винта регулируемого шага, четыре дизель-генератора (ДГ) V1716C2ME («Изотта Фраскини», по 1300 кВт), один аварийный ДГ (600 кВт) и носовое подруливающее устройство (750 кВт). Максимальная скорость хода 20 узлов, дальность плавания 7000 миль при экономической скорости 15 узлов. Вооружение: восьмиячечная УВП «Сильвер А50» для стрельбы ЗУР «Астер-15», 76-мм автоматическая установка (АУ) «Супер Рапид» фирмы «ОТО Мелара», две 25-мм АУ КВА. Десантовместимость: 440 морских пехотинцев со штатным вооружением и до 15 единиц авто- и бронетехники. В качестве средств высадки могут быть использованы три танкодесантных катера типа LCM, а также три типа LCVP, один типа LCP и две быстроходные лодки с жестким днищем. В состав авиагруппы входят три-пять вертолетов AW-101. Экипаж корабля 150 человек.



ЭКСПОРТ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН

Хитойда ишлаб чиқарилётган VT4 русумли асосий жанговар танк «Норинко» миллий мудофаа корхонаси мутахассислари томонидан яратилган. Мазкур жанговар машина асосан хориж давлатларига экспорт қилиш учун мўлжалланган.

Аслида бу жанговар восита MBT 3 000 сериясидаги танкнинг янада тақомиллаштирилган варианти хибобланади. Корпус компоновкаси (тузилиши) классик кўринишда – бошқарув бўлимни олд томонда, жанговар бўлим ва башня ўрта кисмда, мотор-трансмиссия бўлмаси эса орқа томонда жойлашган. Корпуснинг олд кисми қўй катлами комбинацияланган зирҳдан ишланган. Башня ва корпусга кўшишма тарзда динамик ҳимоя модуллари ўрнатилиши мумкин. Бортлар ва башнянинг орқа кисми панжарасимон экранлар билан ҳимояланган. VT4нинг жанговар оғирлиги деярли 52 тоннани ташкил этади. Машинага куввати 1 300 от кучига тенг бўлган дизель двигатели ўрнатилган. Шоссе бўйлаб максимал ҳаракатланиш тезлиги соатига 70 км, ёнилги бўйича юриш захираси 500 км. Танк башнясига маҳаллий мутахассислар томонидан яратилган 125 мм.ли силлиқ стволи тўп жойлаштирилган. Бир неча тибдиги снарядлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Жами жанговар комплекст 38 та снарядни ташкил этади. Ёрдамчи қурол сифатида тўп билан жуфтлаштирилган 7,62 ёки 12,7 мм.ли зенит пулемётлардан фойдаланилади.

Пўлат САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.



ОМАД КУЛИБ БОҚАНДА



Мичиган шаҳрида яшовчи 50 ёшли Марк Кларк сўнгги уч йилдан камроқ вақт ичада иккичи марта 4 миллион доллар микдоридаги лотерея ютуғи соҳибиға айланди. Кларк бу сафар ҳам, худди 2017 йилнинг декабрь ойида бўлганидек, ютуқли билетни маҳаллий дўйонлардан бирида сотиб олган. «Сен ҳеч қачон бир неча миллион ютиб олиши, бунгун устига бундай омад иккى марта келиши мумкинлигини хаёлинга ҳам келтирмайсан. Аммо бу содир бўлди. Ҳиссиятларимни сўз билан ифодалай олмайман», – дейди омадли ютуқ соҳиби.

МИРОВЫЕ БРЕНДЫ

Основанная более 100 лет назад в г. Сиэтл (штат Вашингтон) как небольшое предприятие по производству самолётов собственной разработки корпорация «Боинг» на сегодняшний день является одним из крупнейших в мире производителей вооружения и военной техники (ВВТ). Основная деятельность корпорации заключается в разработке, производстве, ремонте, модернизации и обслуживания авиационной техники (АТ) военного и гражданского назначения, ракетного вооружения, ракетно-космической техники, их узлов и агрегатов, а также средств связи, разведки и радиоэлектронной борьбы (РЭБ).

В 1960 году корпорация приобрела вертолётостроительную компанию «Вертол эркрафт», а основа современной структуры «Боинг» оформилась в конце 1990 – начале 2000-х после присоединения к ней военных отделений корпорации «Рокуэлл Интернэшнл», приобретения корпорации «Макдонаэлл-Дуглас» и профильных отделений корпорации «Хьюз электроникс» – одного из мировых лидеров в области разработки и производства искусственных спутников земли (ИСЗ) и космических аппаратов.

На сегодняшний день «Боинг» является крупнейшим по объемам продаж производителем авиационной техники в мире. В последние годы она занимает второе место в мировом рейтинге производителей ВВТ. Корпорация относится к числу ведущих подрядчиков Пентагона и по объему правительственный контрактов занимает второе место, уступая только корпорации «Локхид-Мартин». Кроме того, «Боинг», реализующая свою продукцию в более чем 140 странах мира, считается крупнейшим в стране экспортёром продукции обрабатывающей промышленности. Так, в среднем до 70 процентов произведенных гражданских авиаизделий реализуются за пределами США.

«Боинг» организационно состоит из трех подразделений, сформированных по направлениям их основной деятельности:

1. «Коммершиал эрплайнз» – разработка, производство, ремонт, модернизация и обслуживание авиационной техники гражданского назначения.

2. «Дифенс, спейс энд сексюрити» – разработка, производство, ремонт, модернизация и обслуживание военной АТ, ракетного вооружения, ракет-носителей, ИСЗ и космических аппаратов, средств навигации, связи, разведки, управления и РЭБ.

3. «Боинг кэпитал» – финансовое обеспечение деятельности производственных подразделений компании, оптимизация финансовых отношений между подразделениями и заказчиками продукции.

На сегодняшний день общее число занятых в корпорации составляет около 146 тысяч человек, в том числе до 47 тысяч работают в военно-промышленном подразделении «Дифенс, спейс энд сексюрити».

Большую часть дохода «Боинг» получает от реализации продукции гражданского сектора, главным образом пассажирских самолётов. В этом заключается ее основная особенность по сравнению с другими крупнейшими военно-промышленными компаниями США. Так, «Локхид-Мартин», «Рейтеон» и «Нортроп-Грумман» получают от военных заказов более 90 процентов выручки. Доля военной продукции в прибыли «Боинг» в последние годы постепенно сокращается с 1/2 в



2005-2010 годах до менее 1/3 в 2016-м.

Другим важным конкурентным преимуществом корпорации является постоянная нацеленность на разработку (приобретение) и налаживание массового производства наиболее передовых, инновационных технологий, гибкая реакция на возникновение новых тенденций в развитии ВВТ. Несмотря на то, что основной номенклатуры выпускаемой продукции военного назначения (ПВН) в течение многих лет продолжает значительные усилия по организации разработки и выпуска под маркой «Боинг» новых для себя видов военной техники и ее компонентов.

В настоящее время корпорация «Боинг» имеет мощности по выпуску стратегических бомбардировщиков, истребителей и истребителей-бомбардировщиков, самолётов РЭБ, военно-транспортных и учебно-тренировочных самолётов, БЛА, а также ударных и транспортных вертолётов. Несмотря на то, что в последние годы отмечается некоторое снижение производимой ею продукции, корпорация продолжает изготавливать широкий спектр военной авиатехники. Так, на предприятиях корпорации собираются самолёты истребители-штурмовики F/A-18E/F «Супер Хорнет» и самолёты РЭБ EA-18G «Гроулер», истребители-бомбардировщики F-15E «Страйк Игл», стратегические бомбардировщики B-52 «Стратофоррест» и B-1B «Лансер», штурмовики F-10 «Тандерболт», самолёт базовой патрульной авиации P-8 «Посейдон», самолёт ДРЛО «Пис Игл», военно-транспортный самолёт C-40, самолёт-заправщик KC-46 «Легас» и др.

Наряду с самолётами «Боинг» выпускает различную вертолётную технику. Продолжается серийный выпуск вертолётов огневой поддержки AH-64E «Апач» и транспортно-десантных CH-47D/F «Чинук». В 2016 году было возобновлено производство многоцелевых вертолётов AH-6 новой модификации. Совместно с фирмой «Белл геликоптер» предприятие «Белл Боинг» осуществляет выпуск новых и модернизацию имеющихся

на вооружении транспортно-десантных самолётов V-22 «Оспрей».

Для большинства образцов авиационной техники военного назначения, выпускаемых корпорацией «Боинг», характерна высокая экспортная ориентация. Поставки за рубеж крупных партий различных модификаций самолётов F-15 «Игл», F/A-18 «Хорнет» и P-8A «Посейдон», вертолётов AH-64 «Апач», CH-47 «Чинук» и AH-6 способствуют обеспечению высокой загрузки производственных мощностей и повышению рентабельного производства.

На предприятиях корпорации производятся также ракеты для наземной системы противоракетной обороны, противокорабельные ракеты «Гарпун» и управляемые авиационные боеприпасы. Дочерняя компания «Инситу» выпускает БЛА «Скан Игл» и RQ-21 «Блэкджек». В сотрудничестве с корпорацией «Локхид-Мартин» налажены разработка и выпуск ракет-носителей различных классов. В завершающей стадии находятся работы над новым пилотируемым космическим аппаратом CST-100 «Старлайнер». На предприятиях отделения «Нэтуорк энд пейс системз» производится ИСЗ для глобальной системы навигации GPS, спутниковых систем связи «Сатком», «Интелсат» и «Инмарсат».

Таким образом, корпорация «Боинг» обладает мощной высокотехнологичной военно-промышленной и научно-исследовательской базой, способной обеспечивать разработку и массовое производство всех основных типов военных самолётов и вертолётов, а также других видов ВВТ. Компания продолжает участвовать в реализации крупных программ Пентагона по выпуску широкого спектра авиационной, ракетно-космической и другой техники в интересах ВС США и их союзников.

**По материалам зарубежной печати
подготовил П. САЙДИВАЛИЕВ**

ЯНГИ СТРАТЕГИЯ АСОСИДА



Коллектив хөвфисзлик түргисидаги шартнома (ОДКБ) ташкилоти Россия Ички ишлар вазирилги билан ҳамкорликда 2025 йилгача бўлган даврга мўлжалланган янги антинаркотик стратегия устида иш олиб бормоқда. Ташкилот матбуот котиби Владимир Зайнетдиновнинг сўзларига кўра, ушбу ҳужжатда жиёвханд маддаларнинг ноконуний айланиси билан боғлиқ барча таҳдид ва хавф-хатарлар ҳисобга олиниди. Маълумот учун: 2017–2019 йиллар мобайнида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 67,6 тонна наркотик восита мусодара қилинган.

МИССИЯ ТАШРИФИГА ТАЙЁР



Туркманистон ташкилоти вазири Рашид Мередов Ашхободда бўлиб ўтган брифингда республика «июль ойи бошида» Бутунжоҳон соглиници саклаш ташкилоти миссиясини қабул қилишга тайёрлигини маълум килди. Бу борадаги маълумот вазирилик сайтида жойлаштирилган. Мередовнинг таъкидлашича, Туркманистон ўз худудида коронавирус пандемияси тарқалишидан сакланниб қолган мамлакатлар қаторига киради. Унинг сўзларига кўра, «мамлакатда пандемияга қарши шайлик ва жавоб чоралари режаси ишлаб чиқилган».

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

ЧАҚМОҚ УРИШИ НАТИЖАСИДА



Қарағанда вилоятининг Қарқарали шаҳридан 60 километр узоқлиқда жойлашган Тегизшилдиқ қишлоқ округи худудидаги Жарли қишлоғи яқинида содир бўлган кучли момақалдириқ вақтида юзага келган чақмоқ 60 та отнинг ўлимига сабаб бўлган. zakon.kz. сайтида берилган маълумотга кўра, табий оғат натижасида 49 та катта ёшли от ва 20 та той қурбон бўлган. Қишлоқ ахолиси келтирилган молиявий зарарни қоплашда мамлакат ҳукумати ёрдам беришига умид қилмоқда.

ЖАРАЁН

МАРКАЗГА ЧАҚИРУВ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг тегишили топшириғига мувофиқ, ҳудудий мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги марказларда 2020/2021 ўқув йилининг 1-босқичида чақирилувчиларни ҳарбий техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш тартиби белгиланди.

Ушбу жараён Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги чақирилувчиларни ҳарбий техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш марказида ҳам намунали ташкил этилди. Жумладан, даставвал санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий маркази мутахассислари билан ҳамкорликда марказ ҳодимлари ва ҳарбий техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этилган чақирилувчиларни COVID-19 вирусига қарши текшириш ишлари амалга оширилди. Марказнинг кириш жойларида дезинфекцион туннеллар ўрнатилди. Марказ ҳудуди ва барча бинолари тўлиқ дезинфекция қилинди.



Чақирилувчиларнинг ўқув жараёнида тиббиёт никобларида бўлиши, марказнинг антисептик воситалар билан таъминланishi ва бошқа санитария-профилактика тадбирлари бажарилиши устидан мунтазам равишда назорат олиб бориляпти, – деди Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиги ўринбосари, Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси ҳузуридаги марказ бошлиги подполковник Шаҳзод Жабборов. – Чақирилувчиларни ҳарбий техника мутахассисликларига саралаш тадбирлари ўз якунига етди. Энди ўз жараёни бошланганга қадар машгулут бинолари тўлиқ ва ҳар томонлама шай ҳолатта келтирилади. Шунингдек, марказнинг

ўқув, моддий-техника базаси такомиллаштирилиб, чақирилувчиларнинг тўла-тўқис таълим олиши учун етарли шарт-шароитлар яратилади.

Шахсий таркибининг марказга кириш вақтида тана хароратини ўлчаш, антисептик воситалар билан ишлов бериш, чақирилувчилар ва ўқитувчиларнинг машгулут давомида тиббиёт никобида бўлиши таъминланади. Чақирилувчилар ва марказ ўқитувчилари томонидан ижтимоий масофанинг сақланиши, озиқовкат таъминоти учун масъул бўлган аутсорсинг хизмати ҳодимларининг санитария-гигиена қоидаларига риоя этишлари қатъий назорат қилинади.

Д. РЎЗИҚУЛОВ

«Фидокор ёшлар»

бу қандай гурӯҳ?



Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши, шаҳар ички ишлар бошқармаси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан «Ёшлар ойлиги» доирасида пойтахтимизнинг Яшнобод туманида «Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гурӯхлари фаолияти йўлга қўйилди.

Дастлаб Махалла ва оиласи кўллаб-куватлаш, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулоддада вазирliklari, давлат хавфисизлик хизмати, Миллий гвардия ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2020 йил май ойидаги кўшма қарори билан тасдиқланган «Фидокор ёшлар» жамоатчилик гурӯхлари тўғрисидаги низом мазмун-моҳияти ҳарбий прокуратура ҳодимлари ва мутахассислар томонидан туман мудофаа ишлари бўлимида жамланган ёшларга батафсил тушунириб берилди.

Шундан сўнг кўнгилли равишда жамоатчилик гурӯхлари таркибида фаолият бошламоқчи бўлган ёшлар билан алоҳида сұхбатлар ўтказилди. Кўнгилли ёшлар Яшнобод туманидаги ички ишлар ҳодимларига бириттириб, уларнинг кўргатмалари ва назорати остида санитария-гигиенига қоидаларига амал қилган холда белгилangan ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфисизligini таъминлашга кўмаклашиборасидаги фаолиятларини борашибилар.

Бу жараён қонун бузилишига қарши курашувчи кўнгилли ва ватанпарвар ёшларнинг ўз имкониятларини намоиш этишига замин яратса, иккичи томондан ҳуқуқбузарликлардан холи ва хавфсиз ҳудудлар барқарор бўлишига хизмат қиласди.

Адлия майори Алишер КУРБОНОВ,
Республика Ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Эртамиз эгалари билан учрашув

«Ёшлар ойлиги» доирасида ҳарбий округ кўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов қорақалпогистонлик ёшлар билан учраши. Тадбирda Xоразм вилояти ёшлари ҳам видеоконференц-алоқа орқали онлайн иштирок этилди.

Самими руҳда бошланган учрашувда кўмондон ёшларнинг қизиқиши ва истакларидан келиб чиқиб, миллий армиямизда амалга оширилган ислоҳотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига яратилган янги имтиёзлар ҳақида сўзлади. Олиб борилган тизимли ислоҳотлар натижасида бугун ҳалқимиз ва армия ўртасида мустаҳкам кўприк ўрнатилгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил ҳётга тайёрлашда ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучлар фахрийларининг ҳам ўрни беқиёс бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашув давомида ёшлар кўмондонга қорақалпоқ ва ўзбек тилларида шеърлар ўқиб берди, миллий чолгу асбобларида мусиқа куйлашди. Энг фаол ёшлар ҳарбий округ кўшиллари кўмондони томонидан рағбатлантириди.

Шунингдек, округ кўмондони Тахиатош туманидаги Мехрибонлик уйига ҳам ташриф буюрди. Бу ташриф болажонлар учун ҳақиқий шодиёна бўлди. Нукус гарнizoni Maъnaviyat va maъrifat марказининг ҳарбий оркестри жамоаси томонидан ижро этилган ватанпарварлик руҳидаги кўй ва қўшиклар тадбирга ўзгача шукух бағишлиди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

Амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгашининг

2020 йилнинг биринчи ярим йиллик
якунларига бағишланган йиғилиши
бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркиби ўзгартриш ва кўшичмалар киритиш тўғрисида»га қарор лойиҳаси кун мухоммадасига кўйилди. Жамоатчилик кенгаши томонидан ўтган давр мобайнида белгилangan вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Шунингдек, Жамоатчилик кенгашининг минтақавий бўлнимлари фаолиятида ҳарбий-маъмурӣ



секторлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш маса-ларни, истиқболдаги мақсад ва вазифалар юзасидан фикр алмашибилди.

Йигилиш якунида кенгаш аъзоларига Жамоатчилик кенгаши фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Чингиз РАЙМБЕРДИЕВ



Podsho bilan to'ti

Qadim zamonda bir podsho bo'lib, uning yaxshi ko'rgan bir to'tisi bor ekan. Podsho va to'ti bir-birini ko'rmasa turolmas ekan. To'ti doimo podshoga mehribonlik ko'rsatib, unga shirin so'zlarni aytar, uni xursand qilar ekan.

Bir kuni to'ti podshodan o'z yurti Hindistonga borib kelishga ruxsat so'rabdi. Podsho u ketsa xafa bo'lib, kasallanib qolishini aytibdi. To'ti podshoni aldamasligini, unga va'da berib, va'daga xiyonat qilmasligini tushuntiribdi. Podsho to'tining gapiga ishonib, unga javob beribdi.

To'ti podsho bilan xayrlashib, Hindistonga uchib ketibdi. Olti kun deganda manziliga yetib borib, qarindosh-urug'lari bilan eson-omon ko'rishibdi. Bechora to'ti o'ynab-kulib, yaqinlarining diydoridan bahramand bo'libdi. U uch tunni qanday o'tkazganini bilmay qolibdi. Qaytib borgandan keyin qafasga tushishini rosa o'ylabdi. Qarindosh-urug'lari saroyga qaytmaslikni maslahat beribdi. To'ti:

- Yo'q, yana qaytmoq uchun va'da bergenman, va'daga vafo qilmasam bo'ladi? Menga bir yo'l ko'rsating, oyijon. Men ham erkinlikka chiqay, ham va'damni bajargan bo'lay, - debdi. Ona to'ti aytibdi:

- Unday bo'lsa, men bir maslahat beraman. Bizning yurtda bir daraxt bor. Daraxtning mevasidan har qanday keksa yoshli kishi yesa, navqiron yigit yoki sohibjamol qizga aylanadi. Podshoga shu olmalardan uch donasini olib borgin. Bu bebafo mevani bersang, zora seni butunlay ozod etsa, - debdi. Bu gap ma'qul bo'libdi. To'ti uch dona olmani olib, shimol tomonga qarab uchibdi. Podsho bilan ko'rishib, unga olmani beribdi. Podsho rosa xursand bo'lib, uni ozod qilishga va'da beribdi. Olmalardan birini xotiniga berib, saqlab qo'yishni aytibdi. Qolganini vazirga ko'rsatish uchun likopchaga solib qo'yibdi. Ertasiga uni vaziriga ko'rsatibdi va xosiyatlarini aytibdi. Vazirning bunga hasadi kelib, podshoga shunday debdi:


- Siz bu parrandaning olib kelgan narsasini yemay turing, avval bir tajriba qilib ko'raylik, rost bo'lsa, yemoq qochmaydi, - debdi. Bu gap podshoga ma'qul tushibdi. Vazir qulay fursat topib, likopchadagi olmalarni zaharlab qo'yibdi. Ertasi kuni vazir debdi:

- Endi bu mevalarni tajribada sinab ko'raylik. Qamoqxonadan ikki nafer mahbusni olib kelib, mevalarni yedirishibdi. Ikkalasi ham shu zahotiqoq o'libdi.

Bu xunuk voqeadan keyin bechora to'tining kallasini tanasidan judo qilibdilar. Podsho esa jahldor bo'lib qolibdi. Kunlardan bir kuni podsho bir odamni g'azab ustida o'llimga buyuribdi. Bu kishi keksa ekan. Qolgan bir dona olmani unga yediribdi. Haligi odam olmani yeyishi bilanoq, oqorgan sochlari tushib ketib, o'rniga qop-qora soch o'sib chiqibdi. Keksa kishi navqiron yigitga aylanibdi. Podshoda vaziriga nisbatan shubha uyg'onibdi. Likopchadagi zahar izlarini ko'rib, vaziyatni tushunib yetibdi. Vazirni esa o'llimga mahkum qilibdi. Bechora to'tining begunoh o'lganiga qayg'uribdi.

«Sharq xalqlari ertaklari» kitobidan olindi.

O'YLA, IZLA, TOP!



Labirint



